УзССР Давлат китоб палатаси
280 295

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 февраль, сешанба №27 (21.790.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномаларига биноан Марказий комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиладиган қуйидаги округлар тузилсин:

1. Тошкент шаҳар округи
(Маркази — Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6)
Тошкент шаҳар чегараси доирасида.
2. Андижон округи
(Маркази — Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 126)
Андижон вилояти чегараси доирасида.
3. Бухоро округи
(Маркази — Бухоро шаҳри, академик Мўминов кўчаси, 1)
Бухоро вилояти чегараси доирасида.
4. Жиззах округи
(Маркази — Жиззах шаҳри, Мустақиллик майдони, 6)
Жиззах вилояти чегараси доирасида.
5. Навоий округи
(Маркази — Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 77 а)
Навоий вилояти чегараси доирасида.
6. Наманган округи
(Маркази — Наманган шаҳри, Абдусаттор Раҳимов кўчаси, 57)
Наманган вилояти чегараси доирасида.
7. Самарқанд округи
(Маркази — Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1)
Самарқанд вилояти чегараси доирасида
8. Сирдарё округи
(Маркази — Гулистон шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 60)
Сирдарё вилояти чегараси доирасида.
9. Сурхондарё округи
(Маркази — Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 34)
Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.
10. Тошкент вилояти округи
(Маркази — Тошкент шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 51)
Тошкент вилояти чегараси доирасида.
11. Фарғона округи
(Маркази — Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 15)
Фарғона вилояти чегараси доирасида.
12. Хоразм округи
(Маркази — Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23)
Хоразм вилояти чегараси доирасида.
13. Қашқадарё округи
(Маркази — Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 15)
Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.
14. Қорақалпоғистон округи
(Маркази — Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 50)
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси
Қ. АҲМЕДОВ
Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия котиби
А. АНОРҚУЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 февраль

Бугун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIV пленуми бўлиб ўтади. У партиямиз ташкилотларининг республика Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузаси ва Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ РАИСЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари этиб қуйидаги депутатлар сайлансин:

АҲАДОВ Абдурафиқ — Бюджет, банк ва молия масалалар қўмитасининг раиси

ЙЎЛДОШЕВ Анвар Зиёевич — Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси

ЭШОНОВ Баҳодир Отабоевич — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси

ВОҲИДОВ Эркин Воҳидович — Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

ХОЛМУРОДОВ Асқар Ғаниевич — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси

КОЧМАРИК Изидор Андреевич — Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг раиси

ЎТАМОВ Жумабой Сапарбоевич — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси

ЙЎЛДОШЕВА Гулнора Ботировна — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси

АБДИРОВ Чаржау — Атроф - муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг раиси

МЎМИНОВ Арслон Ражабович — Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг раиси

ҲОШИМОВ Уткир — Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси

НАИМОВ Баҳриддин Азимович — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 23 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Шавкат Закариевич Ўразаев Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1995 йил биринчи ярмидаги иш фаолиятининг асосий йўналишлари» тасдиқланди. Қуйидаги мазкур ҳужжатни айрим қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Барча даражадаги партия ташкилотлари амалий фаолиятларида уз шарт-шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, ундан унумли фойдаланадилар, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ 1995 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1995 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ўтказилган сайловлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятимиздаги мавқеини мустаҳкамлади. Эндиликда у қўппартиялилик шароитларида иш олиб борувчи парламент партияси сифатида фаолият кўрсатади. Унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан то халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларигача бўлган барча ҳокимият вакиллик идораларида расмий фракциялари бўлади.

Шулардан ҳамда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосалар, унда қўйилган вазифалар асосида ҳозирги босқичда ХДП ташкилотлари, барча даражадаги кенгашлари, уларнинг фаоллари ва партия ходимларининг куч-гайратини қуйидаги асосий йўналишларга қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчи. Партиянинг парламентчилик фаолиятини ташкилий-сиёсий, гоявий ва таҳлилий-таҳминий жиҳатдан таъминлаш.

Партиянинг парламентчилик фаолияти, яъни, мустақил Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ечиш йўллари тўғрисида ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва уларни Олий Мажлис ҳамда ҳокимият маҳаллий вакиллик идораларидаги расмий фракциялари орқали ҳимоя қилиш — сайловлардан кейинги даврда Ўзбекистон ХДП дастури мақсадлари ва сиёсатини рўёбга чиқаришда фаолият кўрсатишнинг энг асосий шаклларидан бири бўлиб қолаверади.

Ривожланган демократик мамлакатларда ҳаракат қилиб турган сиёсий партияларнинг тажрибасини ўрганиш асосида партиянинг парламентчилик фаолияти концепциясини ишлаб чиқиш бўйича дадил қадамлар қўйиш лозим. Гап нафақат партиямиз депутатлик фракциялари фаолиятининг шакл ва усуллари, балки унинг қонун яратувчилик фаолиятининг устиворлиги тўғрисида, Ўзбекистон ХДП расмий фракциялари томонидан қонунчилик ташаббуси билан чиқишга дахлдор ўз ҳуқуқларини амалга ошириш йўллари ҳақида кетмоқда.

Авваламбор, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар фракцияларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш керак. Депутатлик фаолиятининг аниқ-равшан дастурлари ва йўналишларини ишлаб чиқишда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, бунда Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастурининг энг муҳим қоидаларидан келиб чиқиш лозим. Расмий фракцияларнинг тегишли партия кенгашлари билан ҳамжиҳатлигини йўлга қўйиш, партиянинг парламентчилик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан мунтазам суратда кенгайтирилган пленумлар, фаоллар йиғилишлари, ижтимоий-сиёсий тусдаги тадбирлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Марказда ҳам, жойларда ҳам партиямиздан сайланган депутатларни тегишли услубий қўлланмалар, амалий тавсиялар ва сиёсий йўл-йўриқлар билан таъминлаш бўйича кундалик ишларни йўлга қўйиш талаб этилади.

Бошланғич партия ташкилотлари, ХДП туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга депутатлик ваколатларини амалга оширишларида амалий ёрдам беришлари зарур.

Иккинчи. Республика раҳбариятининг иқтисодий ва демократик ислоҳотларни ўтказишга қаратилган йўлини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда бу ислоҳотларнинг изчил рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш.

Мазкур йўналиш ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва кенгашлари фаолиятида устивор йўналишлардан бири бўлиб, бундан бўён ҳам шундайлигича бўлиб қолаверади.

Энг аввало, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларини тушунтириш бўйича ишлар фаол давом эттирилиши керак. Партия ташкилотлари мана шу ишлар ушбу жараёнда одамларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришлари, юртбошимиз Олий Мажлис биринчи сессиясида таъкидлаганидек, иқтисодий муносабатларни демократиялаш — бозор ислоҳотларининг муҳим шарти эканлигини уқтиришлари, мулкчиликнинг янги шакларига тўғри муносабат пайдо қилишлари даркор. Иқтисодий эркинликни кенгайтириш, соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббускорликни ривожлантириш — танг ҳолатларни бартараф этишнинг энг тезкор ва самарали йўли эканлигига, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш учун мустаҳкам заминни вужудга келтириш лозимлигига фуқароларимизни ишонтиришлари зарур. Ижтимоий сиёсатнинг янги қоидаларини чуқур тушунтириш, бунда, айниқса, айрим кишилар онгидаги боқимандачилик кайфиятларини бартараф этишга ва барча фуқароларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга аҳамият бермоқ лозим.

Шу билан бирга, партиямиз ақл-зиё салоҳияти ёрдамида жамиятда руй бераётган жараёнларни изчил ўрганиш, мушоҳада этиш, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва жамиятни демократиялаштириш йўлида олга қараб ҳаракати тажрибасини умумлаштириш бўйича ишларни авж олдириш талаб қилинади. Шу негизда олдинда турган вазифаларни ҳал этиш йўл ва воситаларига нуқтаи назаримизни ишлаб чиқиш, республика раҳбариятининг ислоҳотларни ўтказиш билан боғлиқ стратегик йўлини ҳаётга собитқадамлик билан жорий этишни таъминловчи таклиф ва дастурларни партия ва жамоатчилик диққат-эътиборига ҳавола этиш даркор.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан партия ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини олиб бориш бундан бўён уз долзарблигини йўқотмайди. Партиямизнинг Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлик фракциялари шундай назоратни амалга оширишнинг қудратли ва самарали воситаси бўлишга даъват этилгандирлар.

Учинчи. Партиянинг дастурий мақсадлари ва Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ғояларини рўёбга чиқариш.

Таргиботчилар гуруҳларини мунтазам равишда жойларга юбориш, улар томонидан аҳоли ўртасида суҳбатлар, учрашувлар, бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш, ХДП дастурий ғоялари ва жорий сиёсатининг, республикамиз раҳбариятининг ички ва ташқи фаолияти моҳиятини фаол таргиб қилиш амалиётини давом эттириш — партиямиз барча ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва кенгашлари мустақилликнинг маънавий асосларини шакллантиришдек умумдавлат аҳамиятига молик вазифани ҳал

(Давоми 2-бетда).

Депутат Абдулҳафиз Жалоловнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги нутқи

(102-Янгиқўрғон сайлов округи)

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Ҳурматли Олий Мажлис депутатлари!

Азиз меҳмонлар!

Айни шу бугун биз, бутун халқимиз билан биргаликда, Ўзбекистон Президенти ҳурматли Ислом Абдуганиевич Каримов кеча уз маърузаларида таъкидлаганларидек, чинакам тарихий воқеани уз бошимиздан кечирмоқдамиз. Ижтимоий ва давлатчилик тарихи минг йилликлар қаърига бориб тақаладиган она-Ватанимиз, жабрдийда юртимиз ҳаёти солномасида мутлақо янги саҳифалар битилишининг сарчашмасида турганлигимизни англаш бизга юксак ифтихор, беқиёс гурур бахш этмоқда ҳамда катта масъулият юкламоқда. Узининг қўҳна тарихида илк бор қўппартиялилик асосидаги демократик сайловларда давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, қуйидан юқоригача, сайлаб олган Ўзбекистон ижтимоий тараққиётнинг ўзи танлаган маърифатли йўлидан қатъият ила бораётганлигини жаҳон афкор оммаси олдида яна бир карра намойиш этди.

Бўлиб ўтган сайловларда халқимиз, авваламбор:

— республика Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат учун;

— миллий истиқлолимизнинг ёркин истиқболлари учун;

— изчил ва халқчил ислоҳотлар йўли учун;

— диёримиздаги барқарорлик, тинчлик, фуқаролар осойишталиги, умуммиллий тотувлик учун;

— инсонпарвар жамият, ҳуқуқий давлат барпо этиш саъйи ҳаракатлари учун овоз берди.

Сайловчиларимизнинг бундай хоҳиш-иродалари негизида уларнинг биз, депутатларнинг мамлакатимиз равнақи учун куч-гайратимизни аямажаклигимизга бўлган ишончи етибди.

Истиқлолимиз туфайли сиёсий фаолият майдонига чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам 1994 йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган сайловларда жиддий ютуқларни қўлга киритди, дейишга ҳақлимиз.

Сайловларда фаол иштирок этган партиямиз рўйхати бўйича 69 киши Олий Мажлис, 3165 киши маҳаллий Кенгашлар депутатлари этиб сайландилар. Фақат Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларимиз учун мамлакат сайловчилари 30 фоиздан ортиғининг овози берилди.

Биз буни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятимиздаги салоҳияти, унинг ғоявий фаолияти, сиёсий йўли ва амалий ишларига халқимиз томонидан берилган муносиб баҳо, деб ҳисоблаймиз.

Партиямизнинг жамиятдаги нуфузи ҳақида қуйидаги рақамлар ҳам ёрқин далолат бериб турибди. Чунончи, унинг сафларига уюшганларнинг умумий сони 400 мингга яқинлашиб қолди. Агар 1993 йил мобайнида қаторимизга 36 минг янги аъзо қўшилган бўлса, сайловлар йилидаги ўсишимиз 42 мингдан зиёдроқни ташкил этди. Янги йилнинг дастлабки ойида ХДПга кириш Тошкент шаҳрида, ўтган йилнинг шу даврига қараганда, 2 баробар ошди. Сайловлардан кейин партиямиз сафларининг бундай суръатларда кенгайиши мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатилмоқда.

Сиёсий ташкилотимиз обру-эътиборини янада оширишнинг галдаги бош омили — халқимизга берган сайловолди ваъдаларимизнинг уддасидан чиқишда, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ХДПнинг парламентдаги фракцияси аъзолари буни яққол англаб, узларининг бутун фаолиятларини ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш манфаатларига буйсундиришга бел боғладилар.

Биз, депутатлик фракцияси деганда, уни тор партиявий рухда, яъни гуруҳбозлик маъносида тушунишдан йироқмиз. Фракцияни Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз манфаатларига даҳлдор муаммоларни баҳамжиҳат ва бамаслаҳат ҳал этишнинг самарали воситаси, деб биламиз. Бундан ташқари, парламентда фракциялар мавжудлиги, бу — бошбошдоқликка йўл қўйиш, дегани ҳам эмас. Халқимиз иродаси бизнинг ҳаммамизни бир жойга тўплади.

Худди мана шу ирода, қоларверса, ҳаёт ҳақиқати ҳам, қонун ҳам, бизни, биринчи навбатда, уз сайловчиларимизнинг, халқимизнинг, ундан кейингина тегишли сиёсий кучларнинг вакиллари эканлигимизни яққол идрок этишни тақозо этмоқда. Бу эса, уз навбатида, Олий Мажлис депутатларидан, уларнинг қайси фракцияга мансубликларидан қатъий назар, ишларимизни шундай ташкил этишни талаб қилмоқдаки, токи парламентимиз уз фаолияти билан халқимиз миллий яхлитлигининг, унинг олий манфаатларини, туб мақсадларини, эзгу ниятларини чуқур ифода этишнинг ёркин тимсоли сифатида ўзини намоён этсин.

Президентимизнинг сермазмун маърузаларидаги худди мана шуларга ва умумий ишимизнинг қўплаб бошқа жиҳатларига дахлдор даъватларини, қоида ва хулосаларини маъқуллаймиз, уларни фракциямиз фаолиятининг асоси сифатида қабул қиламиз, Олий Мажлис барча депутатларини ҳам шунга чақирамиз.

Ҳурматли депутатлар!

Тарих қисматининг ўзи мамлакатимиз парламенти зиммасига масъулиятли, аммо, шарафли вазифаларни юкламоқда. Зеро, Ўзбекистонимизнинг XXI асрга қандай қиёфада қадам қўйиши, кўп жиҳатдан, Олий Мажлис фаолиятига боғлиқлиги турган гап. Албатта, ушбу фаолиятнинг қандай бўлишлиги ҳам, уз навбатида, бир қатор бошқа омилларга бориб тақалади. Чунончи, фаолиятимизнинг самараси жамиятимиз олдида турган долзарб муаммоларни аниқлаш, Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг батартиб ишлашини, уларнинг парламент олдида турган вазифалар билан ҳамоҳанглигини, сессияларда қўриладиган қонунлар лойиҳаларини пишиқ-пухта қилиб тайёрлашни талаб этади.

Лекин, барибир, ҳар қандай шароитда ҳам, фақат умуминсоний, хусусан, шарқона ахлоқ-одобнинг муҳим жиҳатлари — узаро ҳурмат, ёрдам, андишалилик, ҳалол-поклик каби хислатлар ҳеч биримизни тарк этмаган, улар барча ҳатти-ҳаракатларимизнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосини ташкил қилган тақдирдагина умумий ишимиз самара бериши мумкин. Зотан, Ҳадиси Шариф ҳам инсонларни мана шундай фазилатларга эга бўлишга, жумладан, уларни ҳамжиҳатликка, биродарликка, муросаи мадорага бежиз даъват этмаган.

Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ депутатлари сайланган беш йиллик муддат ҳам, ҳадаемай, «кўз очиб юмгунча» ўтиб кетади. Бироқ, ҳаёт мутассил давом этаверади. Ўн йиллар, юз йиллар, бутун бир тарихий даврлар ўтадилар. Аммо, мазкур чақириқ мамлакатимиз Олий Мажлиси ўзидан, асрлар оша барҳаёт бўлишга даъват этилган мустақил Ўзбекистонимиз давлатчилиги, мамлакатимиз солномасида тақсинга лойиқ ишлари билангина, муносиб ёд қолдириши мумкин.

Келинглар, қадрли биродарлар, мана шу олижаноб масъулиятдан келиб чиқиб, шундай бир фидойилик билан ишлайликки, халқимизнинг мухтор вакили, деган юксак ишончни бунёдкорона меҳнатимиз, ибратли хулқ-атворимиз билан оқлайликки, токи юртдошларимиз бизларни депутат этиб сайлаганликлари учун бир зум ҳам афсусланмасинлар.

Аслида, заҳматкаш халқимиз учун жуда ҳам кўп нарса керак эмас. Унга фақат серунум меҳнат қилишим, уз меҳнат фаолияти натижаларининг эгаси бўлишнинг ҳамда улардан эркин-эмин фойдаланишнинг шарт-шароитлари яратилса, бас.

Бунинг учун эса, дарҳақиқат, жамият ақл-заковатини пешлаш, миллий-маънавиятни равнақ топтириш, илм-фан, адабиёт, санъатни беқиёс ривожлантириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш соҳаларини маърифий маданий ҳаёт талаблари даражасига кўтариш, фуқароларимизда илғор, замонавий тафаккурни шакллантириш лозим.

Айни пайтда, мулкий муносабатларни такомиллаштириш, яъни одамларни мулк хилма-хил турларининг чинакам соҳибларига айлантириш, тўлақонли, маърифий, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш зарур. Ҳар бир кўзланган ижтимоий мақсадга эришишни кишиларнинг бундан шахсий манфаатдорликлари билан уйғунлаштириш, бутун ҳаёт тарзимизни инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари билан суғориш, уни демократик тартиботларнинг таъсирчан тизими ила қамраб олиш талаб этилади. Мазкур мақсадларга эришишнинг, вазифаларни адо этишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини вужудга келтириш, уларни мутассил такомиллаштириб бориш — мамлакатимиз парламенти фаолиятининг асл маъноси ва мазмунини ташкил этади.

Фақат мана шундай мустаҳкам замин туфайли, унинг асосидагина биз фаровон турмуш кечирадиган қунларни тезроқ яқинлаштиришимиз, ҳаётимиздаги иллатлардан, жумладан, боқимандалик кайфияти, коррупция, порахўрлик ҳамда жиноятларнинг бошқа қуринишларидан жиддий тарзда қутула олишимиз мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис ва депутатлик фаолияти билан боғлиқ айрим таклифларни сессия қатнашчилари диққатига ҳавола этмоқчимиз. Авваламбор, қўпчилигимизда парламентчилик фаолияти тажрибаси ҳали етарли эмаслигини ҳисобга олиб, депутатларнинг мунтазам ўқуви йўлга қўйилса, ёмон бўлмас эди, деган фикрдамиз. Албатта, сиёсий партиялар, уз имкониятлари доирасида, бу иш билан шуғулланадилар, аммо, бундай ўқувларнинг Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилишининг фойдаси, бизнигча, кўпроқ бўлур эди.

Маълумки, кейинги пайтларда, бизда республика парламентининг ҳар бир сессияси олдидан уни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида жойларда депутатлар билан маслаҳатлашиб олишнинг ижобий тажрибаси орттирилди. Айни шу босқичда фикрлар хилма-хиллигига эришиш, уни кенг миқёсларда таъминлаш жуда қўл келади. Фикримизча, ушбу анъанани давом эттириш керак. Чунки, пишиқ-пухта, обдон ўйлаб қилинмаган бирон-бир ишнинг кўзланган мақсадга олиб бормаслиги аниқдир.

Пишиб етилмаган масалаларни парламент минбарига олиб чиқиб, ўлар бўйича даҳанаки жанглар қилиш фаолиятимизга самара бахш этармикан?!

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги айрим мамлакатларининг уз ҳолига ташлаб қўйилган парламентларида, демократияни бундай тарзда тушунилиши сабабли, бошбошдоқлик ҳукм сураётганлигидан, ундан халқларнинг тоқати тоқ бўлаётганлигидан хабаримиз бор. Парламентчилик фаолиятининг бундай йўлидан бориш биз учун мақбул эмас, деган фикрга ҳаммамиз ҳам қўшилсак керак.

Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятини жиддий негизларга қўйишни, қабул қилинган қонунларни халққа, айниқса, ижрочиларга етказиш ишини яхшилашни, уларни ҳаётимизда сўзсиз амал қилишларининг ишончли мурватларини вужудга келтиришни ҳамда ижро устидан назоратни кучайтиришни ўта зарур ишлар, деб ҳисоблаймиз.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ривожланган мамлакатлар парламентлари билан узаро алоқаларни ўрнатиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, маърузада олга сурилган ҳуқуқий, демократик давлат бунёд этилаётган мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида жамоат ташкилотларининг таъсирини оширишни таъминлашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ғояси ҳам жуда ўринлидир. Мазкур ғояни сиёсий партиялар хусусидаги махсус қонун қабул қилиш заруратига ҳам бевосита дахлдор, деб биламиз. Бизнинг фракциямиз, Ўзбекистон Конституцияси негизида, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёр.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Олдимизда турган масъулиятли, чинакам тақдиримиз ишларни амалга оширишда омад бизга ҳамиша ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат!

ХАЛҚИМИЗ ЯКДИЛЛИГИ — БУЮК ҒАЛАБАМИЗ

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни ўз фаолиятлари учун амалий дастур сифатида қабул қилмоқдалар.

Бугун қаёққа борманг, қайси даврага кирманг, кимнинг сўзига қулоқ солманг бозор иқтисодиёти, унинг муаммолари тўғрисида сўз бораётганининг гувоҳи бўласиз. Гап шундаки, ўтаётган ҳар бир кун, ҳафта ва ой янгича муносабатлар ҳақидаги тасаввуримизни бойитмоқда.

Мухбиримизнинг иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент молия институтининг ўқув ишлар бўйича ректор муовини Ёрқин АБДУЛЛАЕВ билан бўлган суҳбати бозор иқтисодиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳот омиллари ҳақида бўлди.

Мустақиллик ғурури

ИҚТИСОДИЁТ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА БЎЛИШИ КЕРАК

— Ислоҳот — бу мустақиллик каби улкан масъулиятдир. Унинг тақдирини кўпинча иқтисодиёт билан, аниқроғи, бозор иқтисодиёти билан боғлашади. Шу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Мана уч йилдан ошдики, ҳур Ўзбекистон диёрида истиқлол шамоли эсмоқда. Биз мустақилликни қўлга киритиб, бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича Президентимиз ишлаб чиққан беш тамойил асосида иш олиб бормоқдамиз. Шундан келиб чиқиб мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотни эълон қилдик. Гарчи иқтисодий ислоҳот дейилса-да, аммо бу жараён ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам қонуний, ҳам маънавий соҳаларимизни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг тақдири нафақат иқтисодчиларга, шу билан бирга сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, социологлар, руҳшунослар фаолиятларига ҳам узвий боғлиқдир.

Чунки ислоҳотимизнинг пировард мақсади аввало иқтисодиётга туб ўзгартиришлар киритиб, барча соҳаларда иқтисодий мустақилликка эришиш ва халқ фаровонлигини тараққий этган давлатлар даражасига кўтаришдир. Иккинчидан, сиёсий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, дунёга янада кенгроқ эшик очиш, жонажон Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданиятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитишдир. Муҳими, халқимиз учун тинчлик, осойишталик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш асосий вазифадир.

Натижада маънавий барқарорликка эришиш, яъни Президентимиз айтганларидек, маънавий инқироздан чиқишимиз лозим. Бу — энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири ҳамдир. Уни осонликча ҳал этиш қийин. Ҳаммадан бу — вақт ва машаққатли меҳнатни барчамиздан талаб этади.

— Ҳўш, бундай улуғвор мақсадни амалга оширишда қандай омиллар устивор йўналишга эга? Бошқача қилиб айтганда, ислоҳотнинг тақдири кимнинг қўлида?

— Ислоҳотнинг тақдири қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Объектив омиллар туркумига энг аввало мамлакатимизнинг иқтисодий потенциал ва салоҳияти киради. Ўзбекистон бой табиий иқтисодий ва хом ашё ресурсига эга.

Бундан ташқари, ўлкамиз яхши табиий шароитга эга. Қувонарлиси, бир йилимиз 3000 қуёшли соатдан иборат бўлади. Бундай шароитда, албатта, йилига камида 1,5 миллион тоннагача пахта толаси ишлаб чиқариш имконияти бор. Бундан ташқари, ватанимиз табиий газ, кўмир, нефть каби ёнилги-энергетика ҳамда сув ресурсларига бой. Хуллас, Ўзбекистон ўз аҳолисини бемалол боқиб, кийинтира оладиган моддий бойликларга эга.

Демак, мустақил мамлакатимизда кенг миқёсда ислоҳотларни амалга ошириш учун барча объектив ва табиий шарт-шароитлар мавжуддир.

Субъектив омиллар таркибига, энг аввало ушбу ислоҳотни бошқараётган раҳбар ва амалда бевосита кўмаклашаётган меҳнаткаш халқ киради. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири учун ҳамма жавобгар. Ҳар бир киши воқеалар ортида кузатувчи бўлибгина қолмай, балки уларга таъсир ўтказиш ва олдиндан ҳаракат қилиши керак.

«Мустақиллик шароитида яшаш, ишлаш кўнглига бир олам ғурур ва шукуҳ бахш этибгина қолмай, ҳар бир вазир, раҳбар, ҳаттоки оддий фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди», — деган эди Президентимиз Ислом Каримов ўтган йили 13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида.

Зеро, бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳар бир куни қандай кечади, таъминоти нима бўлади, мустақил ватанимизнинг порлоқ келажаги қандай барпо этилади? Бу саволлар қаршисида барчамиз жавобгармиз. Масалан, ўқувчи ёки талаба аъло ўқиши, ўқитувчи — аъло даражада ўқитиши, олим — буюк кашфиётлари билан, муҳандис — замонавий асбоб-кускуналар яратиши, деҳқон — ширин-шакар меваларни етиштириши, ишчи — энг юқори, жаҳон талабига жавоб берувчи буюмларни ишлаб чиқариш билан ҳисса қўшиши лозим. Қолаверса, ҳамма-ҳамма шу заминнинг, шу ватаннинг фарзанди; иқтисодий ислоҳотга, ҳур Ўзбекистонимизнинг бугунига, эртасига ва келажагига бефарқ бўлмаслиги керак. Бунинг учун сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўл учида хизмат кўрсатишга энди ўрин йўқ. Ахир тикланаётган иқтисодиёт ўзимизники!

Шу ўринда мен халқимизни сафарбарликка, унумдорликни оширишга, тадбиркорликни ишга солишга чақираман.

— Кечирасиз, домла, сиз барчани меҳнат унумдорлигини оширишга даъват этяпсиз. Ҳўш, халқимиздаги шижоат, унинг меҳнатидаги унумдорлик даражаси қай аҳволда?

— Фаровон яшаш учун биринчи навбатда моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва қўл учида хизмат кўрсатишга эътибор берилиши лозим.

Тўғри, сир эмас, кейинги пайтларда айрим кишилар ўз ишларидан бироз совиди. Бу ҳол охир-оқибатда баъзи ерларда иш жараёнида интизомнинг сусайишига, меҳнат унумдорлиги даражасининг пасайишига олиб келди. Аммо, бугунги кунда «рақобат бозори» деган ибора пайдо бўлди.

Масалан, биргина деҳқон меҳнатини олайлик. «Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма», деганларидек, ҳар қандай экиннинг ҳам чўғи об-ҳавонинг қулай ё ноқулай келишидан кўра кўпроқ деҳқоннинг қай даражада меҳнат қилишига, унинг маҳорати ва иш унумдорлигини ошира боришига ҳам боғлиқ. Ҳа, тер тўкканга — ер тўкади.

Хуллас, мустақил мамлакатимиз тараққиётига ҳар бир кишининг қўшадиган (фикрининг) ҳиссасини кўпайтиришга, умумий дастурхонга улушини, ижтимоий куч - ғайратини оширишга даъват этмоқчиман. Чунки қаерда меҳнат унумдорлиги паст бўлса, у ерда боқимандалик қайфияти ҳукм суради.

— Сиз юқорида субъектив омиллар қаторида ушбу ислоҳотни бошқараётган раҳбар ходимларни ҳам санадингиз. Улар меҳнатининг унумдорлиги нима билан белгиланади? Улар маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмаслиги ҳам мумкин. Мана шу саволга ҳам бироз тўхталсангиз.

— Субъектив омиллар таркибида раҳбар ходимларнинг роли алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки ислоҳот тақдирини иккинчи даражали раҳбарлар қўлига ишониб топшириб бўлмайди. Ахир у бошқараётган завод ёки илмий муассасами, унинг муваффақиятли, самарали одим ташлаши ёки мағлубияти энг аввало раҳбарга боғлиқ.

Бугунги раҳбар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш йўлларидан, жамиятнинг ҳаракат йўналишларидан яхши хабардор, айниқса, иқтисодий, маънавий жиҳатдан ўта саводхон бўлиши зарур. Ватанимиз тақдирини билим савияси, тафаккури, ташкилотчилиги, қатъияти ва ниҳоят жисмоний қуввати етарли бўлмаган ночор раҳбарлар қўлига топшириб бўлмайди.

Ахир бировнинг қумғонини қайнатишга қурби етмайдиган тоифадаги раҳбарлардан қонуний йўл билан, демократик асосларда зудлик билан халос бўлишимиз керак. Ислоҳотни амалга оширишда сусткашликка, ўзи-бўларчиликка, эскичасига иш олиб боришга, ислоҳот моҳиятига мазмунан юзаки ёндошишга ўрин берилмайди.

Сирасини айтганда, юқоридан берилган топшириқни бажаришга одатланган кишилар учун мустақил ишлаш, фикрлаш ҳам мушкул. Лекин иқтисодий ислоҳот талаби шундаки, янгича фикрлаб, янгича ишламас эканмиз, тараққиётга эриша олмаймиз. Бунинг учун кўпроқ ўқиб ўрганиш, иш юритишнинг жаҳондаги илғор тажрибаларини жорий этиш иқтисодий иқлоҳотимизнинг бош омилини ташкил этади.

— Шу йилнинг 18 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида бўлган мажлисда Президентимиз И. А. Каримов мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар йўлида янада қатъиятлиликни, ҳисоб-китоб ишларининг пухта бўлиши лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

Статистик-иқтисодчи олим сифатида, айтинг-чи, ҳисоб-китоб статистик ислоҳот йўлида қандай омил ролини бажаради?

— Дастлаб ҳисоб-китобнинг макродаражадаги ифодаси бўлган статистиканинг ислоҳотга дахлдорлиги хусусида икки оғиз сўз. Барчага маълумки, тўғри йўлга қўйилмаган ҳисоб-китобларсиз бирон бир режали ишнинг бўлиши мумкин эмас, ҳисоб-китоб эса статистикасиз ақл бовар қилмайдиган нарса. Чунки статистикасиз бирон-бир иқтисодий қонуниятни жамиятда ўрнатиб бўлмайди. Шубҳасиз ислоҳотлар одими тўғрисидаги мулоҳазалар фақат далиллар, фактлар, рақамлар, нисбат ва ўлчовлар орқали исботланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Мамлакатда ҳисоб-китоб ишлари ҳам пухта бўлмоғи лозим. Чунки хорижий давлатлардагина шу ҳисоб-китобларда, қайд этилган кўрсаткичларга қараб бизнинг иқтисодий салоҳиятимизни баҳолайди, муносабатда бўлади. Қолаверса, ўзимиз ҳам шунга қараб муаммоларимизни аниқлаб оламиз».** Хуллас, ҳисоб-китоб ва статистика — ислоҳотнинг кўзгусидир. У ислоҳотимиз одимлари шахдам-ми ёки йўқми, у оқсаяптими ёки 5 тамойилимиз сари босқичма-босқич тадрижий йўл билан дадил бораяптими, деган саволларга жавоб берувчи қудратли қуролдир.

— Бас, шундоқ экан, бугунги статистикамизда мустақил республикамизнинг ривожланиш даражаси, унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига шаҳдам қадамлар билан кириб бораётганини тавсифловчи кўрсаткичлар мавжудми? Бу кўрсаткичлар жаҳон статистикаси андозаларига жавоб берадими? Таққосланган баъзи кўрсаткичларнинг ишончлилик даражаси қандай? Шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, марказлашган режали хўжалик шароитида, тоталитар маъмурий - буйруқбозлик сиёсати таъсири остида шаклланган статистиканинг асосий вазифаси — режа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш эди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг динамикасини тавсифловчи «эгри» чизиқлар йўналиши эса ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилар эди. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси жаҳон стандартига мос тушмас эди.

Бозор муносабатларига ўтиш анъанавий халқ хўжалиги (иқтисоди) миқёсидаги ҳисоб-китобни, микроиқтисодий парамерларини қайта кўриб чиқиш заруриятини ўртага ташлади. Иқтисодчиларимизга маълумки, бу макроиқтисодий параметрлар «халқ хўжалиги баланси»да ўз аксини топиб келар эди.

Шунга биноан статистик маълумотлар таркибида асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари кўпроқ ўрин олар эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида биринчи ўринда бу кўрсаткичлар эмас, балки молия-пул муносабатларини тавсифловчи кўрсаткичлари унинг ўрнини эгалламоқда. Чунки айнан бу муносабатлар халқ хўжалигида индивидуал ва ижтимоий истеъмоллик ўртасидаги мутаносибликни ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни белгилаб беради. Бу жараёнларни рўйхатга олиш жаҳон стандарти бўлган миллий счетлар тизимини жорий қилиш билан боғлиқдир.

Статистика тизимини миллий счетлар тизими асосида ташкил қилиш: микроиқтисодий ва макроиқтисодий статистикаларни барпо этиш, таққослаш базасини аниқлаш мақсадида эса «таянч нуқтасини» топиш каби қатор муаммоларни ечиш билан боғлиқ.

— Ислоҳот тақдирини кадрлар белгилайди дедингиз. Шу кадрларни тайёрлашда Тошкент молия институти ўз олдига қандай мақсад қўйиб, ўқув ишларни режалаштирган? Келгусида институтнинг бу борада ҳиссаси қай даражада бўлади?

— Институтимиз Марказий Осиёда ягона молия ўқув юрти бўлиб, бу ерда молия-кредит, солиқ тизими учун мутахассислар тайёрлайди. Бугунги кунда мустақил республикамиз хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтаётган бир пайтда молия, банк, солиқ тизимининг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Келгусида бу тизимда ишловчи мутахассисларга талаб ҳам шунга биноан ўзгаради.

Ҳозир, банк, молия, солиқ ташкилотларига бозор муносабатларининг ўзи ўртага қўяётган ҳамма масалаларни ҳал эта оладиган, муаммоларни ташаббускорлик билан, ижодий ёндошган ҳолда ҳал қиладиган, янгича ишлашдан чўчимайдиган, янгиликни ҳис этадиган, истиқболни кўра била оладиган ва айниқса бошқарув маданиятини эгаллаган кадрлар керак.

Институтимизнинг фаолияти ҳам ана шундай кадрларни тайёрлашга қаратилган бўлиб, бу масъулиятли вазифа бир неча йўналишда амалга оширилаётир.

Шу боисдан тайёрланаётган ҳар бир мутахассис буюртмачилар талабига жавоб берадиган даражада тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Мана тўрт йилдирки, бизнинг битирувчиларимизга талаш.

Бундай ютуқларга эришиш учун аввало етакчи ўқитувчиларимизни Олмония, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатларига қисқа муддатли курсларга ўқишга юборганмиз. Уларнинг тажрибалари айни кезда бевосита ўқитиш жараёнига қўллана бошланди. Шу билан бирга у давлатлардан етакчи олимларни ишга таклиф қилиб, қисқа муддатли маъруза ва амалий машғулот дарсларини уюштириб туришни жорий қилдик.

Албатта, бугун ҳар бир соҳанинг ўз жонкуяр кишилари керак. Бунинг учун биз истаймизми йўқми, қай бир соҳа кадрларни қайси бир олийгоҳ тайёрлаб бермасин, бунинг масъулиятини ўз зиммасига олиши жоиз. Шубҳа йўқки, билимдон, жонкуяр кадр элни тўйдиради, Ватанни обод, юртни машҳур қилишга ҳисса қўшади.

Бу борада Тошкент молия институти ана шундай кадрларни тайёрлашни зиммасига олган. Институт ўқув ишлари бўйича муовини Ёрқин Абдуллаев билан бўлган суҳбатимизда ҳам ушбу олий даргоҳ талабаси, эртанги мамлакатимиз иқтисодиётини тебратишда жуда ҳам керакли айтилди. Шу боисдан янгича иқтисодий билимларни пухта эгаллаётган кадрларнинг тайёрланиши галдаги муҳим вазифа деб биламиз.

Ана шундагина мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар келгусида ҳам ишончли қўлларда бўлади.

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ.

... ЎЗГАРИШЛАРНИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТАЙЁРЛАГАН МАХСУС ДАСТУРЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИШ, ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ ВА КОМПЬЮТЕРЛАР ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ЁШ, ИСТЕЪДОДЛИ МУТАХАССИСЛАРИМИЗНИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ВА ЎЗ ЮРТИМИЗДА ЎҚИТИБ-ТАРБИЯЛАШ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА ТУРМОҒИ КЕРАК.

(И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан)

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ 1995 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

этишда ўз ўринларини топишлари ва бу ишда бевосита қатнашишлари даркор. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида олға сурган қоида ва хулосаларни кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Жамиятни янада жиплаштиришга, ҳар бир фуқарода «Ўзбекистон — муқаддас Ватанимиз», «Биз — ягона оила фарзандларимиз» ҳис-туйғуларининг шаклланишига ғоявий-сиёсий усуллар билан кўмаклашиш лозим. Тоинки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўзини, мен Ўзбекистонликман, дейишдан ҳақли равишда фахрлансин.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотлари фаол қатнашадиган умумҳалқ байрам ва сайллари, юбилей саналари ҳамда тарихий кунларга бағишланган ижтимоий-сиёсий тадбирлар муҳим воситадир.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, партиямизнинг барча матбуот нашрлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилиши керак.

Тўртинчи. Партиянинг халқаро алоқаларини ривожлантириш.

Уз дастурий мақсадларига кўра, бизга яқин бўлган хорижий сиёсий партия ва ҳаракатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш таъминлаш лозим. Улар умумсиёсий ва танишув тусида бўлиб қолмасдан, айни пайтда, чет эл давлатлари партияларининг парламентчилик фаолиятига оид тажрибаларини ўрганиш мақсадига ҳам хизмат қилиши зарур.

Парламентдаги депутатлик фракциялари даражасида ҳам алоқалар ва мулоқотларни йўлга қўйиш заруриятн тугилмоқда. Социалистик Интернационал таркибига кирувчи, узларининг дастурий ғоялари билан ХДПга турдош булган социал-демократик йуналишдаги партиялар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи. Партияни ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш. Партия барча бўғинлари тузилмасини такомиллаштириш, улар иши самарадорлигини ошириш.

Партия сафларини тулдиришда қарор топаётган ижобий тамойилларни мустаҳкамлаш зарур. Бунда ХДПнинг ижтимоий негизини илмий ва ижодий зиёлилар, хотин-қизлар, иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд булган фаол кишилар ҳисобига кенгайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Янги сиёсий шарт-шароитларда аҳоли билан истиқомат жойларида иш олиб боришга сифат жиҳатдан янгича ёндашувлар масаласи биринчи ўринга қўйилаётганлигини инобатга олиб, партиянинг ташкилий тузилмаларига тегишли узгартиришлар киритиш, уларда худудий бошланғич партия ташкилотларини ташкил этишни кескин кучайтириш ҳамда мавжудлари фаолиятини яхшилаш юзасидан ишларни жонлантириш масаласи пишиб етилди. Яқин орадаги даврда айнан ҳудудий бошланғич ташкилотларнинг Узбекистон ХДПда асосий тузилмавий бутин бўлиб қолишини инобатга олмоқ лозим.

Аввалгидек, партиянинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш муаммолари, сайлаб қўйилган партия фаолларига ахборот - услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ўқув машғулотларини ташкил этиш муаммолари Марказий Кенгаш диққат марказида бўлади. Партия аппарати тузилмаси ва ходимлар хизмат вазифаларини ҳозирги босқичнинг узига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни қайта кўриб чиқиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Олтинчи. Партия мол-мулкини самарали бошқаришни таъминлаш, ташкилотларимизнинг молиявий-хўжалик фаолиятини янада ривожлантириш.

Узбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятида партия бюджети бажарилишини таъминлаш, улар тасарруфида булган моддий ресурслар ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш—хўжалик фаолиятини фаол ривожлантириш — муҳим йуналишлардан бири бўлиб келган ва шундайлигича бўлиб қолади.

Партиянинг барча ташкилотлари ва муассасаларини 1995 йил январидан бошлаб, Узбекистонда жорий этилган бухгалтерия ҳисоби счетлари режаси ва ҳисоботнинг янги тизимига ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш вазифаси турибди. Бу йуналишдаги ишлар молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш ҳамда партиянинг барча бўғинларида асосий жамғармалар ва моддий-техника бойликларини сақлаш, улардан фойдаланишда зарур тартиб, қаттиқ интизомни таъминлаш тадбирлари билан уйғунлашиши керак.

Буларнинг ҳаммаси партиянинг молиявий аҳволини янада мустаҳкамлаш, унинг нашрлари ва ташкилотларининг ХДП Низомида белгиланган фаолиятини маблағ билан таъминловчи мурувватларни вужудга келтиришга йўналтирилиши даркор.

***

Партиямиз Марказий Кенгаши фаолиятининг ушбу асосий йуналишлари юзасидан Сиёсий иҳроия қўмита ва МК бўлимларининг календарь иш режалари тузилган бўлиб, уларда турли-туман таҳлилий-таҳминий, оммавий-сиёсий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

УЧТА ҚОРАМОЛИ БОР ФЕРМЕР ... ФЕРМЕРМИ?

Дала-даштлардан баҳор нафаси келиб қолди. Деҳқон кетмонини ўткирлай бошлади. Боғбон эса, аллақачондирки, боғ ичида. Деҳқончилик ишлари бошланиб кетди. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳам бу йилги мавсумга катта ниятлар билан кириб келмоқдалар.

Фарғона вилоятида 1994 йили 1215 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатди. Уларга 17780 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Натижалар ёмон эмас. Бу хўжаликларда бугунги кунда 14,5 минг бошдан ортиқ қорамол, қарийб 8 минг бош қўй-эчки, мингга яқин от, 25,5 мингдан ортиқ парранда бор. Фермерларнинг вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ўрни мустаҳкамланиб, етиштирилган маҳсулот ҳажми тобора ортиб бормоқда. Масалан, 1994 йили вилоят фермер хўжаликларида 1218 тоннадан ортиқ гўшт етиштирилди. Бу 1993 йилдагига нисбатан беш баробарга кўп. Охунбобоев туманидаги «Чорвадор», Олтиариқ туманидаги «Одилжон», Данғара туманидаги «Уста Ваҳоб» сингари фермер хўжаликларида ҳар бош сигирдан 3000-3600 килограммдан сут согиб олинди. Бу эса вилоят миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан 700-800 килограмм кўп.

Бироқ, давлат томонидан яратилган қулайликлар ва имтиёзлардан етарлича фойдаланмаётган, ўз тасарруфидаги чорва моллари маҳсулдорлигини оширмаётган фермер хўжаликлари анчагина борлиги ачинарли. Вилоятдаги бир қатор фермер хўжаликларида ерга ишлов беришнинг илғор агротехник усулларини қўллаш, чорва моллари бош сонини ошириш, улар маҳсулдорлигини юксалтириш масалаларига эътиборсизлик билан қараляпти.

Фурқат туманидаги Сирожиддинов номли фермер хўжалиги қорамол гўшти етиштириш бўйича тузилган шартномани, икки йилдирки, бажармайди. Ҳолбуки, Т. Маматов бошлиқ бу фермер хўжалиги ихтиёрига 50 бош шартли қорамол боқиш мўлжалланган, айвон, қишки молхона, ем-хашак омбори, турар жой биноси фойдаланиш учун бепул берилган. Хашак тайёрлаш учун хўжаликка 10 гектар ер ажратилган. Ахир ўзини тиклай деган фермер хўжалиги учун ғамхўрлик шунча булади-да! Лекин фермер ўзига яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана билмаган, чорва бош сонини ошириш ҳақида кам қайғурган. Натижада фермада шу пайтгача бор-йўғи... 9 шартли қорамол боқиб келинган, холос! 10 гектар ерга силос учун экилган маккажўхорининг 3 гектарига оз-моз ишлов берилиб, 7 гектари мутлақо қаровсиз қолган?!

Давлат томонидан фермер хўжаликларига билдирилган катта ишонч, кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдамни суиистъмол қилиш эмасми бу? Афсуски, вилоятда бундай ҳол якка-ягона эмас-да. Тегишли экин майдонлари, ишлаб чиқариш иншоотларини арзон гаровга ёки текин олиб, сўнг ҳукумат ва халқ кутган ижобий натижани бермаётган, тегишли чорва, полиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармаётган фермерлар афсуски анчагина топилади. Ахир, вилоятдаги 107 та фермер хўжалигида атиги 3-10 бошдан қорамол боқилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир оддий деҳқонлар ўз кичик томорқаларида 2-3 бошдан новвос, сигир, қўй-эчкини уддалаб боқишяпти-ку. Гектарлаб ер ва тайёр иншоотларга эга фермерлар нега қорамоллар бош сонини кўпайтирмайдилар, ер майдонлари унумдорлигини оширмайдилар? Вилоят деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмалари иттифоқи раиси Т. Эгамбердиев эса таассуф билан:

— Кўплаб илғор фермерларимиз қаторида шундайларнинг ҳам учраб туриши нохуш кайфият туғдиради албатта, — деди. — Чорва бош сонини кўпайтириш, улар маҳсулдорлигини ошириш, ер майдонларидан унумли фойдаланишга бефарқ бўлаётган фермер хўжаликлари Қонун ва Низомлар талабларини ёддан чиқариб қўйишди. Биз фермер хўжаликларига берилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш билан бирга фермерларнинг ўз вазифа ва бурчларини бажаришга масъулиятларини ҳам оширмоқчимиз.

Баҳор яқинлашаяпти. Овқа туриб келаётган фермер хўжаликлари учун бу мавсумларнинг ютуқлар бетинним меҳнат, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилиш, ўзини аямай ишлаш туфайли келишини ҳалол, пок, меҳнаткаш, элим-юртим деб ёниб ишлайдиган фермергина яхши билади...

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз ким, „Мулки Турон"...

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

ЛЕНИНОБОД вилояти, Конибодом туманида йилига 100 минг дона велосипед ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди. Мазкур завод тумандаги «Бодом» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлиб, келгусида бошқа истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқаради.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ РЕЖАЛАРИ

БИШКЕК. Атроф-муҳит муҳофазаси Давлат қўмитасининг мутахассислари ва Жаҳон банки экспертлари «Атроф-муҳит муҳофазаси миллий режалари»ни тузишни ниҳоясига етказмоқдалар. Унда Қирғизистон давлатининг экология сиёсати асослари асосий мавзу қилиб олинмоқда ва бу соҳанинг муҳим юмушлари белгиланмоқда.

Ана шу мақсадда «Ўрмон» деб аталган дастур алоҳида аҳамият касб этади. Бу йил республиканинг собиқ колхоз ва совхозлари ерларида 20 миллион дарахт кўчати ва бута ўтказилади.

«СЎЛИМ ТАБИАТ» КОНКУРСИ

ДУШАНБЕ. Президент Имомали Раҳмонов Тожикистон халқига мурожаат этиб, мамлакатни қуқалам-зорлаштиришга чақирди. Мурожаатга жавобан, барча вилоят ва туманларда кўчат экиш қизғин давом этмоқда. Республика Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги эса оммавий ахборот воситалари учун «Сўлим табиат» республика конкурсини эълон қилди. Ундан кўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали табиат муҳофазасини кенг тарғиб этишдир.

ДАРОМАД МАНБАИ

АШГАБАТ. Мамлакат Президентининг фармонига биноан Туркманистонда биринчи марта давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари раҳбарларининг йиллик даромадлари умумий йиғиндиси расмий равишда эълон қилинишни жорий этиладиган бўлди. Ўзининг даромадларини эълон қилиш зарурати ҳокимиятнинг олий идоралари раҳбарлари билан бирга давлат корпорациялари, концернлар, молия-кредит ва суғурта муассасаларининг бошлиқларига ҳам тегишлидир. Бундай даромадларни эълон қилишни амалга оширишни назорат этиш президент ҳузуридаги назорат хизмати зиммасига юклатилди.

САМОЛЁТЛАР ҚАТНОВИ

АЛМАТИ. Қозоғистон авиаторларида бир қатор янгиликлар юз бермоқда. Ҳаво йўллари Бош агентлигининг бошлиғи Раис Алимовнинг хабар беришича, Алмати аэропорти кечаю-кундуз ишлаш тартибига ўтди. Маҳаллий ҳаво йўлларида «Ан» самолётлари ўрнини эгаллайдиган катта ва ишончли ҳаво кемалари пайдо бўлди. Республика «Ту-154 М» самолётларидан тўрттасини сотиб олди. Бундан ташқари лизинг усулида тўртта «Боинг» самолётидан ҳам фойдаланилмоқда. Қатновлар аниқ белгиланган вақтда амалга оширилмоқда. Давлат авиакомпанияси самолётларнинг кечикишида ҳар 10 соат учун йўловчига билет баҳосининг 3 фоизи миқдорида товон тўлаши қоидаси аниқ ишлашни тақозо этмоқда.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ УЧРАШУВИ

АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси пойтахтида совет ҳукумати даврида сиёсий қатағон қурбони бўлган кишиларнинг биринчи учрашуви бошланди. Учрашув Алматидаги давлат архивида ўтказилмоқда. Унинг қатнашчилари қатағон ва коллективлаштириш туфайли етказилган зарарга товон олиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, кишиларнинг айбсиз қувғин қилинишига алоқадор сиёсий арбоблар ҳақида ҳам гап боради.

ВАЛЮТА ОҚИБ КЕЛИШИ УЧУН

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси шаҳарларида 17 февраль кунидан бошлаб валюта алмашув бўлимлари иш бошлади. Ушбу тадбир ҳукуматнинг мамлакат пул-кредит тизимида ислоҳот ўтказиш дастурига кўра амалга оширилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, алмашув бўлимлари давлат хазинасига валюта оқиб келиши учун хизмат қилади.

ДЕПУТАТЛИККА САЙЛАНДИЛАР

БИШКЕК. Қирғизистон парламентига сайловнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Марказий сайлов қўмитасининг маълумотига кўра, парламент турли миллат вакилларидан иборат бўлди. Сайловда 12 партия иштирок этди. 8 партиядан кўрсатилган номзодлар депутатликка сайланди. Депутатларнинг аксариятини коммунистлар ташкил этади. Янги сайланганлардан тўрт нафари эса аёллардир.

Марказий сайлов қўмитаси раисининг сўзларига қараганда, янги сайланган парламент икки ойдан кейин ўз ишини бошлаши мумкин.

АНИҚ ҲАРАКАТ ТУФАЙЛИ

АЛМАТИ. Қозоғистоннинг Оқтов шаҳридаги Мангустов энергокомбинатининг атом реакторида ҳалокат содир бўлди, деб хабар беради Қозоғистонда чиқадиган «Караван блиц» газетаси. Бироқ смена навбатчиларининг аниқ ҳаракатлари туфайли хавф бартараф этилган. Радиоактив газларнинг ҳавога чиқиб кетиши меъёрдан ортиб кетгани йўқ, дейилади хабарда.

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОЛАМДА ТАСОДИФ ЙЎҚ...

Тақдир бизга коинотдан насиба... Ҳар ким ўз тақдирини яшайди. Тақдир дахлсиз. Одамнинг ўз қўлида ва ўз ихтиёрида бўла туриб, икки нарса яна шу одамнинг айни ўзига бўйсунмайди: бири — тақдир ва иккинчиси— руҳ. Ўзимизнинг руҳимиз. Худди тушни бўйсундириб бўлмагандай бу иккисини ҳам бўйсундириб бўлмайди. Уларнинг ўз сирли ҳаёти ва ҳеч англаб бўлмайдиган расм-русум, қонун-қоидалари бор.

Зулфия илк баҳорда ўн бешинчи йилда Тошкентда туғилган. Индира ўн еттинчи йилнинг кеч кузида. Улар чамаси ҳеч қачон учрашамиз деб ўйламаган, балки хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Лекин барча улуғ нарсаларни бир-бирига рўпара қилгувчи тақдир бу икки аёлни учраштирди. Улуғлик иззат қидириб югурмайди. Иззатнинг ўзи уни қидириб юради.

Бу ажиб учрашувнинг асоси Шоҳ Маҳмуд Ғазнавий замонида қўйилганмикин ёки ундан аввалроқ , ё Темур ҳазратлари замонларида қўйилдимикин ёхуд ундан кейинроқ пурвиқор Бобур, шавкатли Акбар даврларида?

Оламда тасодиф йўқ. Ҳаммаси оъмолда битилган ва ҳаммаси ўз қонуниятига эга. Улуғ ҳодисаларнинг бошқа ўхшаш улуғ ҳодисалар билан учрашмаслиги ғоятда ажабланарли бўлади. Улуғлик ҳамиша ўзига ўхшаш улуғликни қидириб юради. Улар, албатта, бир-бирларини топадилар. Ҳинд ва Чин доим туркийлар учун беҳад сеҳрли бўлиб келган. Ҳинд ва Чиннинг мусиқаси, тафаккури бизни ҳамиша ўзига оҳанрабо каби тортган ва ром этган. Шунинг учун бизнинг жуда қадим тафаккуримиз ва мусиқамиз Ҳинд ва Чиннинг тафаккури ҳамда мусиқаси билан чирмашиб ётади.

Биз ўзбеклар чамаси бу халқларнинг кўзларидаги осуда мунг, осуда теранликни севамиз. Бизга бу мунг ҳам, бу теранлик ҳам чексиз бўлиб туюлади.

Индиранинг нигоҳида бутун Ҳинднинг жамулжам нигоҳи акс этгандай бўлади менга. Бу Ҳиндистоннинг ўраб ва қамраб олгучи кўзи. Унда ўтган минг йилликларнинг дараги бор бўлгани каби келажак номаълум замонларнинг ҳам шарпаси чақнайди. Зулфиянинг қарашларида эса бутун Ўзбекистон аксланади. Шундай ажиб тақдирлар борки, уларда мамлакат тақдири кўриниш беради. Шу маънода Индира ҳам, Зулфия ҳам ўз мамлакатларининг тақдирига тимсол бўлоладилар.

Зулфиянинг ажойиб сатрлари бор:

Ўлтирибман бўрон ичра сервиқор...

Иккимизда бир хил пўлат чидам бор.

Бўронларда виқорини сақлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бўронга таслим бўлмаслик, бўронни енгиш ва ундан ғолиб инсон заковати билан чиқиш... одамга қанчалар ярашади бу нарсалар ва одам қанчалар истайди шундай нарсаларни! Лекин бўрондангина эмас, бўронлардан пурвиқор чиқиш Индира ва Зулфияга насиб этди. Зулфия ўзи учун бу сўзларни ниҳоятда топиб айтган. Унинг ҳаётининг ҳар бир дами шу сўзлар нечоғлик ҳақ эканлигини исботлайди.

Бир сурат тарихи

Бу сурат эҳтимол олтмиш саккизинчи йилда олингандир. Ўшанда Ҳиндистонни Бош вазири Индира Ганди Зулфияга халқаро Неру мукофотини топширган эди. Бу учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистонни маънан бирлаштириб, яқинлаштириб, оға-ини қилиб турадиган алланима бор, балки, бу алланимани ҳеч қачон тўла ифодалаб бўлмас, чунки ҳодисалар доимо сўзлардан кўра улуғроқ ва поёнсизроқ бўладилар. Бунда яна шеъриятлар учрашгандай, нафосатлар, малоҳатлар учрашгандай, кароматлар, аломатлар учрашгандай ва ўртада қалам ифодасига ожиз виқорлар, халқларнинг шаън-шукуҳлари порлаб кетгандай... Бу виқор ва фақат аёллардагина бўладиган нафис улуғворликни мендан кўра устод мусаввир Абдулҳақ Абдуллаев яхши ҳис қилган ва ўз ажойиб кундаликларида теран қайд этган. Гўзаллик туғёнлари ичида яшашга ўрганган устод мусаввир олтмишинчи йилнинг февралида Зулфиянинг тасвирини яратишни орзу қилди. Ўшанда у илк таассуротларини ўзи учун шундай ёзиб қўйган экан:

«Мен унинг ажиб латофатига маҳлиё бўлиб қолдим. У бошини бироз қуйи эгиб турганда шунчалар малоҳатли кўринади. Мен бунчалар қуйма қиёфа ва бунчалар нафис, қуйма қўлларни бошқа аёлларда ҳеч кўрмаганман...».

Устод мусаввир ўша пайтлар ҳинд қизи Индиранинг ҳам қиёфасини чизган. Виқор ва нафосатда мислсиз бир ўхшашлик кўрган...

Бу нима деманг, туғма виқор ва у ўз иши, оъмолига ошиқ одамлардагина бўлади. Ошиқлик эса Зулфия наздида оромсизликдир. Шунинг учун унинг ўз-ўзига ўгити бизга ҳам ўгит бўлиб туюлади.

Яъни: **Ошиқма, ошиқма, оромга!..**

Иброҳим ҒАФУРОВ.

ЗУЛФИЯ

Ўзбекистон халқ шоири

ШАРҚНИНГ ЎЗИ ОНА БЎЛГАН ҲАМИША!

БОЙ ЎТМИШИМИЗГА ТУҲМАТ ТОШЛАРИНИ ОТАЁТГАН ХОРИЖДАГИ БАЪЗИ ОЛИМЛАРГА МЕНИНГ ЖАВОБИМ

Мен сизга, ўқувчим,
На айтиб,
На-да кўрсатиб
Улгура олмадим Юртимни.
Асрлар гардини қалб-ла сидириб
Узриму,
Ўзлигим, қўркимни,
Қадимнинг чақнатиб ўтини
Бу куннинг дудига тутмадим.
Бу умр абадий, дедиму
Қонимга пайвандлаб.
Яшаш боқий мулким, дея шошмадим,
Ёшликнинг журъати, жўшқинин,
Абадий дедиму тошмадим...
Мана, ёш охирлаб кетаркан,
Неча не манзилга ён бериб ўтаркан,
Улгурмас бурчларим қийнайди,
Қолдиғи қалб чўғим етаркан,
Ёзмасам армоним битмайди.
Одамзот... яралиш...
Коинот биттаю,
Ер узра
тузумлар, тақдирлар бир эмас.
Тафаккур қудуғин қазимоқ
Энг жозиб нияту
Табиат ва тарих
Ўзини ёзишдан,
камолдан тинмас!
Ўқувчим!
Насллар, асри-ла ғурурли бекадай
Мен сизни етаклаб юрмадим уйма-уй
Қай замон, қай дилдан гавҳардай
Тўкилиб яшаган латиф куй?
Гоҳ шодлик,
гоҳ алам
Торларин чертганда эл қалбин,
Қаламни танимай қўшиқ,
Ё эртакдан яратган бир бўстон!
Наслимиз, удуму
қадрини эслатиб,
Курашиб ва енгиб яшашда бу достон!
Ўқувчим!
Сизни мен эртакда,
Ё тушда бўлгандай
Илм-урфон коҳига етаклаб кетайин,
Тафаккур,
зеҳним-ла фикр этиб,
Қадамим етганча
Ҳар бири бир ганжа қатламга элтайин...
Ҳали мен сиз билан бормадим
Афросиёбга,
Боболар даҳосини қилиб намойиш,
Минг ўлим,
Минг зулм,
Минг тиғли қиличдан
Омон олиб чиққан халқим жавҳарин.
Меҳр, ифтихор-ла бериб оройиш
Сизга ярақлатиб кўрсатолмадим...
Бу тупроқ уйимиз,
Бу дарё нонимиз,
Бу офтоб жонимиз,
Ва лекин бу қаср,
Бу сарой фахримиз!
Лекин Самарқандни ер юзин сайқали этолган
Меъморга қилмадик сиз билан биз таъзим!
Нетай, тарих узоқ.
Қатлари кўпроқ,
Аждодлар қалбига кира олмадим...
Асрлар чанглари ён бериб ўтган,
Ноёб дил дурларин
тера олмадим.
Киролмадим...
Қачон шоирлар халқнинг,
Закий қалбин тўкис этолмиш изҳор?..
Ғуруримга шоҳид:
Жаҳон назарин
Қамаштирган Хива,
Бухоролар бор!
Дуч келса адоват — янчиб беаёв!
Заковат, адолат,
иймон, диёнат
Қудратин ўзига муқаддас — ялов —
Билган Соҳибқирон Темур, саркардалар бор!
Биз қул бўлмаганмиз,
Муҳтарам, олим!
Таҳқирларга кўмманг тарихимизни!
Узр,
бугун дард-ла тинглаб ҳар сўзингизни,
Сафроққа айланди томиримда қон.
Йиллар қат, қаърига фикрингиз қаданг,
Топасиз ўтларда ёнмагич достон!
Шукуҳ
Шарқ шеърияти хазинаси чаман,
Турфа гуллар яшнар атри гуркираб,
Назм бисотини дил-ла очаман.
Ардоғу ҳайратдан бармоқлар титраб,
Ўқийман, дийдамда севинч ёшларим,
Тубсиз хазинага кетаман шўнғиб,
Ва пок ғўзалликдан қолиб ҳайратда
Мен ўтган йилларим ҳечдай кўриниб,
Виждоним сезаман дардли роҳатда!
Сиз дейсиз:
«Биз қуллар бўлганмиз,
Қул авлодимиз,
Ҳайвондек сотганлар,
Олганлар молдек!»
Бир нафас сайр этинг ўтмишга, олим!
О, юртдош,
Ёппаси қул.
Мутеъ бўлсак.
Тах-тах китобларни ёзиб кетган ким
Илк каъбасига эътиқод билан?
Икир-чикирлардан кирайлик холис:
Фикр — тафаккурнинг тиғини чархлаб
Орқангиздан борай қадимга — олис!
Ҳазрат Навоийдан сўранг сиз узр,
Дилингизни поклаб боғига киринг,
Даҳо, бир бўтам, деб қилса иноят
Бошингизни эгиб имдодда туринг!
Бобурнинг закоси Шарқдан йўл олиб
Ғарблилар қалбини иситмадими!
Улуғбек юлдузга сўнмас ўт солиб,
Жаҳоннинг ҳайратин забт этмадими?
Ўзбек — ўзига бек!
деган унвонни
Яратганнинг ўзи қилган-ку ато!
Шаккоклик бўлмасми, бу суюк номни
Қуллар, деб таҳқирлаш!
Хатодур, хато!
Бошга тож,
дийдалар узра нур бўлиб,
Дилда ардоғлаймиз меҳр-ғурурни,
Тарих шоҳид:
Неча замон,
асрлар,
Не кўзлардан асраб
қолдик сурурни...
Сиз «авом».
«мутеъ»,
«қул» деган сўзларнинг
Илдизига уринг виждонан теша.
Билинг:
Комил,
Фозил
башар юлдузларига
ШАРҚНИНГ ЎЗИ ОНА БЎЛГАН ҲАМИША!

Муносабат

БОҒ ЧИРОЙИ ГУЛ БИЛАН

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 12 январь сонида чоп этилган «ДАРДИМИЗ БИР, ЖИГАРБАНДЛАРИМ» сарлавҳали мақолани эътибор билан ўқиб чиқдим.

Ёшим 70дан ўтди. 7 фарзанднинг отасиман. 50 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, минглаб ёшларга таълим-тарбия берган фахрий педагогман. Юқорида зикр этилган мақолада кўтарилган мулоҳазалар ҳар бир фуқарони ўйлантириб, тегишли хулосалар чиқаришга ундайди. Мақоладаги фикрларга тўла қўшиламан. Унда турмуш қураётган йигит-қизлар шифокор қуригидан ўтказилиши керак дейилган. Қани энди бу муаммони ҳал этиб бўлса! Бу амалий, маънавий, руҳий томондан жуда қийин масала. Бунинг учун аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ва тиббиёт соҳасида бир талай ташкилий ишларни амалга ошириш лозим булади.

Назаримда, шундай қилиш керакки, ЗАГС бюроларининг йўлланмаси билан турмуш қурмоқчи булган ёшлар ўртиқча қийинчиликларга учрамасдан тиббий қуриқдан ўтсинлар. Аммо бу талаб айрим кишиларга ёқмаслиги мумкин. Чунки тиббиёт қуригидан ўтаётганда турмуш қурувчиларда камчилик аниқланса, уларнинг турмуш қуриши мумкин булмай қолса, бу иккала томоннинг ҳам тақдирига салбий таъсир қилиши мумкин. Айниқса, қиз боланинг кейинги ҳаётида руҳий тусиқлар пайдо булади. Бунинг олдини олиш учун ниҳоятда эҳтиётлик билан иш қуриш зарур. Назаримда, ёшлар узлари уқиган мактаб орқали тиббиёт қуригидан ўтгани маъқул. Ҳар ҳолда бу масалани шундай ташкил қилиш керакки, қош қўяман деб кўз чиқмасин.

Турмуш қураётганларнинг қариндош-уруғлик даражаси узоқ, яхшиси улар бир-бирига боғланмаган булгани маъқул. Мен педагог сифатида бу масалада ҳаётда анчагина салбий ҳолларга дуч келдим. Қариндош-уруғлар ўртасида тузилган никоҳ натижасида туғилаётган болалар баъзан соғлом бўлмайдилар. Ундай болалар кўпинча асаб системасининг заифлиги, ҳатто ақлий даражаси пастлигидан азобланадилар ва айрим ҳолларда руҳий касалликка мубтало буладилар. Афсуски, айрим ота-оналар сохта орзу-ҳавас деб фарзандлари бахтига завол булаётганларини узлари сезмайдилар.

Ичкиликбозлик ва бошқа шунга ўхшаш зарарли иллатлар ҳам ногирон болалар туғилишига сабаб булади. Бозор иқтисодиёти даври деб жамият бундай иллатларга қарши курашни сусайтирди. Ичкиликбозликка қарши кураш ҳозир ўз ҳолига ташлаб қўйилганга ўхшайди.

Педагог сифатида яна бир фикрни айтмоқчиман. Мактабларимизда жинсий тарбия дуневий ва ислом илмига асосланган ҳолда яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бу масалага жиддий ёндошишимиз, унга олимларимиз ўз фикрларини айтишлари керак. Мактабларда илмий асосланган жинсий тарбияни йўлга қўймоқ зарур.

С.МАРАСУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Журналист муаммо қўяди

ЎЛЧОВ НАЗОРАТЛИ БЎЛСИН

Кейинги пайтларда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларида тартиб-интизом қарор топганидан барча мамнун. Бу ўтган йили нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, бериш ва ҳисобга олиш қоидаларини бузиш ҳолларини Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига, ёнилғи-мойлаш материаллари билан қўлда савдо қилиш ҳолларини эса жиноят кодексига киритиш ҳақидаги қонуннинг таъсирчан самарасидир. Бинобарин, бу қонун ёнилғи қуйиш шохобчаларида бундан кейин ҳам тартиб-интизом булишини таъминлаб туришга шубҳамиз йўқ. Бироқ бизни эндиликда бошқа нарса уйлантирмоқда: автомашина бакларига қуйилаётган ёнилғининг ўлчови тўғрими? Илгари бензинни канистр ёки идишда олганимизда қуйилган ёнилғининг ўлчовини аниқ кўриб-билиб турардик. Эндичи? 20 ёки 30 литр бензин олсангиз, кузлаган манзилга етолмай қоласиз. Шунда АЁҚШда алдашганини сезасиз.

Яқинда пойтахтдан чиқаверишда жойлашган АЁҚШдан 30 литр бензин олдим. Операторнинг кўзини шамғалат қилиб қўшимча идишга қуйдиму, уйга бориб ўлчаб кўрдим. 22 литр чиқди. Ноинсоф оператор 8 литр бензин уриб қолибди.

Афсуски бундай ҳолни ягона дейиш соддагўйликдан ўзга нарса эмас. Харидор ҳаққига тап тортмай ҳиёнат қилиш АЁҚШларда ҳам илдиз оттан. Бунга назоратнинг йўқлиги, айниқса, харидорларнинг ёнилгини қуйиш жараёнини назорат қилолмаслиги сабаб бўлаётир.

Бензин қуйиш автоматлари баъзан ҳаво ҳайдайди. Автомашина датчигига қараб эътироз билдирсангиз ҳеч ким инобатга олмайди. Аксинча, «Машинангизнинг датчигини тузатиб келинг, оғайни, боринг йўлингиздан қолманг» дейишади.

Ҳар бир озиқ-овқат дуконида назорат тарозиси бор. Шубҳаланган киши олган нарсасини ўзи ўлчаб, ишонч ҳосил қилади. Кам чиқса ўша заҳоти сотувчига эътирозини билдиради. Бизнингча, ёнилғи қуйиш шохобчаларида ҳам шу усулни йўлга қуйиш пайти келди. Ана шунда ёқилғи қуйиш шохобчаларида уя қурган баъзи ҳаромхўрлар харидор ҳақига ўйлаб чанг соладиган бўларди.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

КЎЧАДАГИ ЁШЛАР

Сарлавҳадан ҳайрон бўлманг: мен йигит-қизларнинг кўча-кўйда юришини назарда тутаяпман. Гарчи бу ҳақда кўп гапирилган бўлса-да, ўз мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Бир куни бекатда автобус кутиб тургандик. Одам кўп. Шундоқкина ёнимизда 3-4 йигит баланд овоз билан сўкиниб гапириб, кулишаяпти. Оғизларидан ади кириб, бади чиқади. Тағин сигарет тутунини олифталик билан осмонга пуфлаб қўйишади. Бекатдагиларнинг уларга нисбатан нафратини кўрсангиз эди.

Баъзан кўча-кўйда қучоқлашиб юрган ёки ўпишиб турган йигит-қизларга кўзимиз тушади. Минг афсуски улар ўзимизнинг болалар. Айтингчи, мусулмончиликнинг қайси қоидасига тўғри келади бу ҳатти-ҳаракатлар?! Кейинги пайтда айрим тенгдошлар тўйларда лабига сигарета қистириб беқиёс томошалар кўрсатадиган бўлишган. Келин-куёвнинг жўралари, дугоналари шундай ўйнаши керак эмиш, Қаердан чиқади ўзи бунақа «қоида»лар?

Ачинарлиси шундаки, биз бундай ҳолга қарши чоралар кўрмаяпмиз. Аксинча... янгидан қурилаётган дўконларда ярим-яланғоч аёлларнинг сурати осиб қўйилишига ўрганиб қолдик. Автобус, таксиларда ҳам шу кўриниш. Бундай беҳаё суратлар аста-секин жамоат жойларидан, катта-катта дўконлардан ҳам жой олмоқда. Ҳайронман, ким тўхтатаркин бундай ҳолни?

Хуллас, ёшларимиз кўча-кўйда ўзини одобли, ҳаёли тутсин, дейман. Биз эса уларга қараб «баракалла қизим, баракалла ўғлим», дейлик.

Давир ТЎРАЕВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳи аспиранти.

Қонун қандай бажариляпти?

ТИЛ БИЛМАГАН ИШ БИЛАДИМИ?

Вақтинчалик паспорт ўрнига берилган маълумотнома муддатини узайтириш мақсадида Темирйўл туман ички ишлар бўлимига қарашли 8-милиция бўлимига бордим. Рус тилида «Паспорт стол» деб ёзиб қўйилган эшик ёнида 5-6 нафар кекса-еш навбат кутиб ўтирибди. Мен ҳам қаторда турдим. Кўп ўтмай мендан олдинда турган шаҳримизнинг Панжоб даҳасида яшовчи С. Аббосова ичкаридан ҳуноб, фиғони ошиб чиқди.

— Ўрис тилини билмайман. Шаҳарда яшасам ҳам, заводда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан бўлсам ҳам бу тилда гаплашган эмасман. У кишининг нима деганини ҳеч ҳам тушунмадим, — деди йўлақдагиларга юзланиб.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма ўз ташвиши, ўз ғами билан банд эди.

— Ҳозир ичкарига мен киираман. Ишим битса , сизни чақираман, — дея Сиддиқа опани юпатган бўлдим.

Милиция бўлими паспорт столи бошлиғи майор Галина Александровна Махмудова билан суҳбатлашдик. Бир оғиз ҳам ўзбек тилини билмас экан. Бошлиқ ҳузурига келган кишилар билан таржимон орқали гаплашиши мумкин эканлиги Қонунда кўрсатилганлигини эслатдим. Ҳужжатлар эса албатта ўзбек тилида ёзилишини айтдим. Бошлиқ эса осмондан келди:

— Нафақага бир йил қолди. Ўзбек тилини ўрганиш ва таржимонга ҳам муҳтож эмасман, — деди у калондимоғлик билан.

Мен узатган маълумотномага эса: «Срок справка продлен до 28.02.95 года» дея ёзиб имзо чекиб, муҳр босиб берди. Мен баҳолиқудрат унинг гапини тушундим ва С. Аббосовага таржимонлик ҳам қилдим. Ҳар қалай иккаламизнинг ҳам ишимиз битди. Лекин паспорт столи бошлиғи Г. А. Маҳмудованинг қўполлиги, давлат тилини ҳурмат қилмаслиги бир неча кун ҳаёлимни банд қилиб юрди.

Бир йил ҳам ўтар—сабрдан ҳолва пишар. Лекин ўзбек тилини мутлақо билмайдиган раҳбар бошчилигида ёзиладиган янги паспортимизга исми-шарифимизни Ҳамидни Ҳомид, Эркинни Иркин, Ҳусаннни Усан., Жамилани Джамила дея ёзмаслигига ким кафолат беради?

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Аскар мактублари

ТАБРИКЛАЙМАН, ДАДАЖОН!

Салом, ҳурматли муҳаррирят!

Аввало ўзимни таништирсам. Жиззах вилояти туманиданман. Шу кунларда йигитлик бурчимни ўтаяпман. Хизматимиз яхши кетаяпти.

Сизларга мактуб йўллашимнинг боиси яқинда дадажонимнинг туғилган куни. Шу муносабат билан севимли «Ўзбекистон овози» газетаси орқали падари бузрукворимни табрикламоқчи эдим.

Сизлардан илтимос, меҳр ва қувончимни газеталарингиз орқали дадажонимга етказсаларингиз, хурсанд бўлардим.

Салом билан, сержант:
Муҳаммад ҚУГЛИЕВ.

БИЗГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

1994 йил 31 январда Бекобод туман ҳокимининг 21-сон қарорига мувофиқ Улуғбек номли жамоа хўжалигининг 1-бўлимидан 6 гектар ерда «Отахон» номли фермер хўжалиги тузган эдик. Банкдан ҳисоб рақамию муҳр, штампларни олгандик. Хўжаликнинг собиқ раҳбари У. Исабоев ерни бўлиб қўйган эдик. Шу йилча оилавий пудрат бўлиб ишланглар, деган эди, биз ҳам хўп, бир йил ўтади кетади, деганча айтганига кўнгандик.

Мана 1995 йил ҳам кириб келди. Хўжаликка янги раис Н. Эсонов сайланди. У ҳам ёлғон гаплар билан бизни «кўндирмоқчи». Яна бир йил «чидаб» беринглар дейди.

Ажабланарлиси, қўрқган олдин машт кўтаради деганларидек, хўжалик бош иқтисодчиси А. Ҳамдамов бизни судга бермоқчи. Бош ҳосилот ерни олиб қўяман, деб дўқ-пуписа қиямоқда.

Ҳурматли таҳририят ходимлари, Сизлардан илтимос, фермер хўжалиги ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантиришга доир ҳукуматимиз олиб бораётган ишларни мазкур Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Исабоев, Эсонов, Ҳамдамов, Зокиров каби раҳбарларига бир эслатиб қўйингизлар. Токи улар биз кабиларни сарсон қилмасинлар.

Шу мавзу бўйича туман ҳокимлигидаги масъул кишиларга ҳам мурожаат қилдик. Улар биз фермер хўжалиги тузиш ҳақида қарор чиқариб, рухсат бердик, судлашиб ерларингни ажратиб олинглар дейишмоқда. Ана холос!..

И. ТОЖИБОЕВ,
Бекобод туман, Улуғбек номли жамоа хўжалиги, 1-бўлим.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ИХТИЛОФНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

АҚШ Перу ва Эквадор ўртасидаги чегарада рўй берган ихтилофни бартараф этиш борасида тузилган тинчлик ҳақидаги битимни амалга оширишда кўмаклашиш учун ҳарбий кузатувчилар йўллайди. Пентагонда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳарбий маҳкама расмий вакили шуни маълум қилди. Америкалик кузатувчилар Аргентина, Бразилия ва Чили вакиллари билан ягона халқаро гуруҳ таркибига киради. Пентагон вакили ҳарбий кузатувчиларнинг сони 40 нафаргача бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

МУНОСАБАТЛАРГА ЗАРАР ЕТИШИ МУМКИН

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили РАТА-ТАСС мухбирига Чеченистондаги ихтилофнинг давом этиши Россия билан Ғарб ўртасидаги муносабатларга зарар етказиши мумкинлигини таъкидлади. Ташқи сиёсат маҳкамаси вакили, шунингдек, Англия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд яқинда россиялик ҳамкасби Андрей Козирев билан Стокгольмдаги учрашув чоғида шу фикрни айтган.

КАДДАФИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Жазоир ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, Ливия раҳбари Муаммар Каддафи Ливаннинг Исроилга қарши олиб бораётган курашини тўла қўллаб-қувватлаган. У Ливан Президенти Илёс Храуи билан телефон орқали сўзлашар экан, араб давлатларининг бирга-ликда ҳимояланиш ҳақидаги шартномага биноан Ливия Ливанга ёрдам кўрсатишга тайёр, деди.

ЯРАШИШ СИЁСАТИ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНГАН

Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Мьянма ҳукумати қўшинлари исёнчилар Карен миллий иттифоқининг охирги таянчи бўлган Коумура шаҳрини эгаллади. 1988 йил Мьянма ҳукумати мамлакатда миллий яраш сиёсатини ўтказа бошлаган эди. Натижада, 13 та кичик миллатлар ташкилотлари ҳукумат билан яраш битимини тузди. Бироқ, каренлар бу битимга қарши чиқди. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳукуматнинг ярашиш сиёсати тўла муваффақият қозонган.

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛМАС ЭКАН...

Югославия таркибига кирувчи Македония Республикасидаги албан миллати муаммосини ҳал қилмасдан туриб, мамлакатда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин эмас, деди Албания ташқи ишлар вазири Альфред Серречи. Унинг таъкидлашича, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилоти албанларнинг кўпчилик қисми яшаётган Македониянинг Косово райони билан қизиқмаяпти.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Темурнома

Саркардалар ажабланиб бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Марҳаматнинг ҳам, саҳоват ва олижанобликнинг ҳам чеки бор. Тўхтамиш Қурғони Каримни ўртага қўйиб ичган қасамини бузган нобакор. Унинг билан бўлган сўнгги жангда не-не баҳодирларнинг жони кетди. Соҳибқироннинг ҳаёти ҳам қил устида қолди. Ана шу олчоқ уялмай-нетмай яна ёрдам сўрабди. Элчисининг башарасига тупуриб ҳайдаш ўрнига соҳибқирон унга яна марҳамат эшигини кенг очяпти. Соҳибқиронни тушуниш қийин, лекин унинг ҳар бир қарори Оллоҳнинг иродасидек ижрога қабулдир.

Туманбошилар кенгаш давомида лашкар таъминоти, ҳолати ва кайфиятини яхшилаш ҳақидаги соҳибқирон кўрсатмаларини олишди.

Шаҳар ҳокими Бердибек томонидан тайёрланган зиёфат вақтида соҳибқироннинг ўрни бўш эди. Ҳамма унинг Темуржон унлиги билан бирга овқатланишга кетганини биларди. Саркардалар ўзларини эркин сезишиб иштаҳа билан лаззатли таомлардан баҳраманд бўлишаркан, шундай лаззатдан кечиб, оддий навкарлар даврасида аскарча овқатланишни афзал кўрган буюк ҳукмдорларига ичларида офаринлар айтишарди. Саркардалар ўз ҳукмдорларининг оддий навкардек камтарлиги тўғрисида ҳикоя қила кетдилар.

Хитой сафари олдидан ҳам соҳибқирон қўшин гамини еб, кўп чора-тадбирларни кўриб қўйганди. Энг катта қийинчиликка оҳиста жавоб қилди:

— Қўрқинч туш даҳшатидан ташқарига чиқиб кетганимни сезмай қолибман...

Соҳибқирон унга кўрган тушини аста ҳикоя қила бошлади. У икки чеккаси баланд қамишзор билан ураган катта йўлда отини елдириб кетаётган экан. Бирданига қамишлар шитирлаб унинг йўлига Амир Тарағай чиқибди. Отасини кўриб у отдан тушибди. Аммо Тарағай унга илтифот қилмай отининг эгар-жабдуқларини ечиб олибди. Сўнг яна тўқайзорга кириб кетибди. У эса йўл устида ялангоч от ёнида гарангсиб туриб қолибди...

У ҳикоясига якун ясаб, оҳиста деди:

— Паймонам тўлгонга ўхшайдир...

Бибихоним ёшли кўзларини унга тикканча илтижо қилди:

— Яхши ният қилинг, амирим. Дард бошқа, ажал бошқа. Шукур, саломатлигингиз дуруст.

Соҳибқирон ўттиз беш йилдан бери умрининг безаги, ҳаётининг маёғи ва қалбининг шамчироғи бўлиб келаётган ёстиқдошининг гўзал чеҳрасига мунг ила тикилди.

— Йигламанг хоним. Вақт ғанимат. Посбонга буюринг. Амир шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Ҳужа Юсуфлар эрталаб ҳузуримга кирсинлар.

Соҳибқирон беҳол кўзларини юмди. У кўрган даҳшатли тушининг давомини Бибихонимга айтмади. Отасидан сўнг у йўлда Камолойни кўрди. Биринчи, кўз очиб кўрган, юракдан севиб ардоқлаган, умрининг бетакрор йилларида унга ҳамдам бўлган, барча аччиқ-чучуклар, хавфу-хатарларда унга жанговар сафдош бўлолган Камолойни, дунёдан бевақт кўз юмган ёрини кўрди.

— Бибихонимдан қаерим кам эди, бегим, — деди унга ғамгин Камолой, — нега унга шоҳона масжид қурдирдингизу, менга атаб ҳеч бир ёдгорлик қўймадингиз?Нақотки шунга арзимаган бўлсам?

Шундай дея Камолой ундан узоқлаша бошлади. У эса ҳаяжон ичра уни тўхтатиш учун набирангга бутун давлатиму тожу-тахтимни қолдиргайман!

Шунда олис-олислардан мунгли садо эшитилди:

— Эвоҳ, энди кеч, бегим. Кеч!!!

Кейин эса Хитой элчиси ёнида пайдо бўлди. Унинг қисиқ кўзларида мудҳиш ўт чақнарди.

— Сени огоҳлантирган эдим-ку, Темур. Бу ҳали ҳолваси. Эшитяпсанми, бурон қандай қутуряпти. У бизнинг илгор қучимиз, холос. Ха-ха-ха!

Соҳибқирон унга қичқирмоқчи бўлганида уйғониб кетган эди. Ҳозир яна уша тўш тафсилотларини эсларкан вужудида ғазаб ўти аланга ола бошлади. Йўқ, Хитой сафари давом этиши керак! Ҳатто ўзи ўлса ҳам унинг руҳи қўшин билан бирга боради.

Саркардалар бу тонг ундаги ўзгаришни пайқашди. Энди у улар билган жасур ва қатъий ҳукмдор эди. Соҳибқирон тобора ҳолдан кетиб бораётган бўлса ҳам фавқулодда ирода кучи билан азму-қарорни баён қила бошлади:

— Маълумингиз бўлгайким, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен. Токи Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳукми фармонида бўлгай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат қилдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳатҳиҳат бўлиб кўмаклашмогингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга урин қолмагай. Сизларни тангри таолонинг лутфу марҳаматига топширдим...

Соҳибқирон товушига амирона тус бериб давом этди:

— Сафарни давом эттирингиз...

Саркардалар бош эгиб фармони олийга бўйсунишларини ва ижрога қабул айлашларини изҳор этиб қароргоҳни тарк этишди.

Табиблар муолажага киришдилар. Сароймулкхоним Файлуллоҳ Табризийга илтижоли кўзларини тикди.

— Мавлоно, бутун умидимиз сиздан...

Сўнгги кучларини сарфлаб ҳолдан тойган соҳибқироннинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Эртаси куни у ҳузурига шайх Нуриддин, Шоҳмалик, Ҳужа Юсуф ва Бердибекларни чақиртириб сўнгги иродасини билдирди.

— Менинг васиятимга содиқмиз деб қасам ичинглар...

Улар астойдил қасамёд қилишгач, шайх Нуриддин гап бошлади:

— Агар амри олий вужудга келса, Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зудлик билан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи билан тинглаб, итоат белларига боғласалар фойдали ҳоли бўлмас эрди.

Соҳибқирон кўзларини аста очиб амирларга мунгли назар солди.

— Шоҳруҳни бир кўргум бор эди...

Кенжатойи, ҳудоҳуй ва тақвадор Шоҳруҳ унинг кунглидаги гапини эшитолмади. Бу соҳибқироннинг сўнгги армони ва виждон азоби эди.

У фарзандига раҳмат айтишни, илиқ сўзлар билан ота меҳриминнатдорлигини баён этмоқчи эди. Уша, бундан ўн бир йил муқаддам Шероз остонасидаги жангда Шоҳ Мансур ҳаётига таҳлика солганида Шоҳруҳ жонига оро кириб, Форс ҳукмдори қиличидан уни сақлаб қолганди. Ушанда у 17 яшар бу кенжатойига дурустгина миннатдорчилик билдирмаган эди ҳам.

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб бўлмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди...

Эртасига эрталаб аркони давлат, сарой аҳли ва амирлар одатдаги саломга киришганда соҳибқирон уларга васиятга содиқ бўлишларига онт ичиргач, саркардаларга жанговар бурчларига амал қилиб Хитойга сафарларини давом эттиришни буюрди. Шундан сўнг хотиржам кўзларини юмди...

Ҳушидан кетган Амир Темур яна бир марта ўзига келиб кўзини очгач, бир ишора билан мавлоно Ҳофиз Хайбатуллога Қурғони Каримдан бир сура ўқишни буюрди.

Аркони давлат соҳибқироннинг лаблари унсиз шивирлашидан унинг калимаи шаҳодат келтираётганини пайқашди. Саркардалар ҳайратга ҳайрат қўшилди. Қудратли жаҳонгир, Моваруннаҳр осмонинг порлоқ юлдузи оддий мусулмон банда сифатида сўнгги сафарида ҳам ўзининг улуғворлигини кўрсатди.

Соҳибқироннинг охират сафари олдидан айтган сўнгги сўзи «Лоилоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расуллуллоҳ» бўлди...

Ҳамдам СОДИҚ

СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ САФАРИ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

... дуо олтин эмасму

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Билгинки, «Кимиёйи саодат» дуоси 50 калима бўлиб, унинг ҳар бир калимасига биттадан хосият яширилган.

АГАР БИРОР КИШИДА МУШКИЛ иш юз берса ва унинг чорасини тополмаса, жума куни ярим кечада турсин, чўмилиб, икки ракаат намоз ўқисин ва бир юз беш марта қуйидаги калимани ўқисин. Аллоҳ таъоло фармони билан ҳар қандай ҳожати бўлса раво бўлади. Агар раво бўлмаса, дейди Ҳасан Басрий раҳматуллоҳ алайҳ, у киши қиёмат куни менга даъвогар бўлсин! Калима будир:

Аллоҳумма, Анта-р-Раббу ва анал-абду, фа-ман ядъу-л-абда илла-р-Раббу, ё Рабби.

АГАР КИШИ ОРОМУ ҚАРОРИНИ йўқотган бўлса, етти кунгача ҳар куни бу калимани ёзиб, ювиб ичирса Худойи таъолонинг фармони билан шифо топади. Агар топмаса, дейди Султон Юсуф раҳматуллоҳ алаҳ, у киши қиёмат куни менга даъвогар бўлсин! Калима будир:

Аллоҳумма, Анта-л-Малику ва анна-л-мамлуку, фа-ман ядъу-л-мамлука илла-л-Малику, ё Рабби.

• **ЭСЛАТМА.** Ушбу дуоларни ўқиётганда ҳаром-харишни фарқ қилиш ва уни макруҳликдан асралишини сўраймиз.

Сиз суратда кўриб турган, асли касби гидротехник бўлган Абдуваққос Аҳмадалиев Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида автобус ҳайдайди. Аввал катта шаҳарларга қатнади. Унга янги «ЛАЗ—695» русумли автобус берилганди. «Агар автобусни 7 йил бешкаст ҳайдасанг, уни ўзингга бераман» деганди бошлиқ ўшанда. Бошлиқ сўзида туриб, ўтган йили автобусни арзон нархда Абдуваққос акага сотди. Мана шундан буён А. Аҳмадалиев «Шаханд — Тўрақўрғон» йўналиши бўйича узлуксиз қатнамоқда.

Энг зўри шу бўлдики, А. Аҳмадалиев автобусни хусусийлаштириб олгандан сўнг қарияларни манзилга бепул етказадиган бўлди. Жорий йилдан бошлаб эса дўхтирлар ва муаллимлар ҳам автобусда текинга юришмоқда. Бундан ташқари Абдуваққос ака тўймаъракаларда ҳам пул олмай хизмат кўрсатади. Ахир юртбошимиз «Савобни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деб бежиз айтмаган.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЮТГАН ҲАМ, ЮТҚАЗГАН ҲАМ ТАҚДИРЛАНАДИ

ФРАНЦИЯНИНГ шарқида жойлашган кичик шаҳарлардан бирида ҳар йили сартарош аёллар ўртасида юғуриш бўйича мусобақа утказилади. Беллашувда биринчи уринни эгаллаган ҳам, охирги уринда қолган ҳам тақдирланади, яъни ғолиб чиққан кишининг сочи энг сўнгги усулда турмакланса, охирги уринни эгаллаган одамнинг сочи қиртишланиб таг-туги билан олиб ташланади.

ХЎРОЗЛАР НАФАҚАТ УРИШАДИ, БАЛКИ...

ҲА, маълум бўлишича, хўрозлар нафақат бир-бири билан уриштириларкан, балки қичқиришда ҳам бир-бири билан беллашаркан.

Жеймс лақабли хўроз Америқонинг Рог-Ривер шаҳрида бундан бир неча йил муқаддам утказилган «ку-ка-ре-ку-у»лаш мусобақасида ярим соатда 25 марта қичқириб биринчи уринни эгаллаган.

Дарвоқе, уларни қичқиртириш усули ҳам ажойиб экан: хўроз эгалари мусобақа бўлишидан олдин уларни 12 соатлаб қоронғу жойда сақлашаркан. Бечора хўрозлар қоронғуда шунақанги қийналишарканки, ёруғликка чиққач эса қувончдан ўзини қўярга жой тополмай роса қичқиришаркан.

ҲАКАМЛИКНИ ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАН

КАМЕРУННИНГ Бертва шаҳрида там-там (катта мис баркаш шаклидаги, таёқча билан уриб чалинадиган мусиқа асбоб) чалиш бўйича гоҳо-гоҳо мусобақа утказилиб турилади. Бу беллашувнинг ҳам ишқибозлари кўп бўлиб, гоҳида қатнашувчилар сони икки юздан ортиб кетади.

Сўнгги бор ўтказилган мусобақа олти ярим соат давом этади. Энг олий соврин — ажойиб араб тулпори камерунлик Эдуард Мандарага насиб этди. Бу мусобақа қунгилдагидек ўтди деса ҳам бўлади, ахир ҳар бир совриннинг ғолиблари чиқди. Бироқ...

Афсус беллашувда кунгилсизликлар ҳам юз берди: ҳакамлар ҳайъатининг бир аъзоси узоқ вақт давом этган кучли шовқинга чидай олмади. Аммо мусобақани тўхтатишга ўзи яккалик қилди. Ахир саноғи йўқ ишқибозларнинг райига қарши бориб бўладими. Тишини-тишига қўйиб чидашга уринди, лекин бўлмади, охири вой бўлди, яъни хушидан кетиб госпиталга жўнатилди.

Арғумоқ остингдадур

КОНИ ШИФО

Бу сафар ҳаммага маълум ва машҳур муолажа ҳақида фикр юритмоқчимиз. Маълумки, асални минг дардга даво, дейишади. Балки, бу бир томчи асал учун бол арининг минг бор чарх уришидан бўлса, ажаб эмас. Ҳақиқатан ҳам болнинг таркибида саломатликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган глюкоза, фруктоза, сахароза кабида моддалар, ҳар хил маъданлар мавжуд. Чунончи, калий,кальций, магний, темир, фосфор, кремний, алюминий, марганец, титан, молибден, мис кабилар сиҳатлигимизга пойдевор бўлса керак.

Дармондорилардан В, В1, В2, В3, В6, С, РР кабилар ҳам инсонга фақат қувват бағишлайди. Асалнинг шифобахшлиги яра-чақаларга кор қилишда кўринади. Жумладан, яраларнинг маддалашнинг олдини олади. Турли тери касалликларини тузалишига имкон беради. Бу ҳаммаси болнинг микробларга қарши курашиш ва оғриқни қолдириш хусусиятлари борлигида. Асалнинг яна бир хосияти, ошқозон яраси ва ун икки бармоқли ичакларни даволашда ҳам фойда беришидир.

Борди-ю ошқозоннинг яраси тузатмоқчи бўлсангиз асал истеъмол қилишда қуйидаги муолажага риоя қилиш лозим. Жумладан, кунига уч маҳал, яъни эрталаб 30 г. тушликда 40 г, оқшомда яна 30 гр. асални 1,5-2 соат овқатдан олдин, овқатдан кейин бўлса 3 соат ўтказиб истеъмол қилиш керак бўлади. Фақат бундай муолажада 2 ой давомида бир стакан илиқ сувда асални эритиб ичиш тавсия қилинади. Айни пайтда асал жигилдон қайнаши ва беҳуда кекиришларда ҳам наф беради. Агар жигилдонингиз қайнаса, асални илиқ сувда эритиб ичиб юриш кифоя. Агар кўпроқ кекириш пайдо бўлса, болни совуқ сув билан истеъмол қилингани маъқул.

Борди-ю ҳавонинг авзойига қараб оёқ-қўлларингиз оғриб турадиган бўлса асалдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун асални ҳаммомга ёки ваннахонага олиб киришга тўғри келади. Яхшилаб ювиниб, баданни қизитгандан кейин танангизнинг оғриқ ерларига асал суртинг. Кўп ўтмай асал терига сингиб кетади. Кейин бугхона ёки ваннахонадан чиқиб дам олинг. Орадан ярим соат ўтгач илиқ сув билан танангизни яхшилаб мусаффолашингиз мумкин. Оллоҳ шифосини берса, биринчи муолажадаёқ оғриқларингиз қолиб, ором олганингизни сезасиз.

Мирзо АНВАР.

Ранг-баранг олам

ШОХИДАМАС БАРГИДА

Жанубий Африка Республикасининг полиция ва божхона ходимлари мамлакатда ноқонуний йўл билан олмосларнинг ташиб кетилиши олдини олиш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда аэропортда текшириб кўрилган 48 ёшли Бельгия фуқароси шубҳа остига олинди. Божхона ходимлари у аёлнинг бутун «бисоти»ни ағдар-тўнтар қилишди. Лекин олмосдан дарак йўқ эди. Ахири рентген нуридан фойдаланишга тўғри келди. Шу йўл билан аёлнинг танасида маъдан борлиги аниқланди. Бойиб олишга астойдил ҳирс қўйган бу аёл олмосларни танасининг энг хуфёна жойига яширган экан.

ЮЗ ЁШДА ХОТИН ҚЎЙИШ

Кўпчилик қариганда отахонни нима жин урди, дейиши мумкин. Зеро, Теҳрондаги суд маҳкамаларидан бирида 100 ёшли кексанинг умр йўлдоши билан ажралиш масаласи кўрилди. Аср тенгдошининг сўзларига қараганда, у тўйгача хотининнинг номақбул феъл-атвори борлигини фаҳмламаган экан. Кейин 47 йил мобайнида болаларнинг ҳурмати юзасидан тишини-тишига қўйибди. Эндиликда болалари катта бўлиб, ота-оналарининг ҳомийлигига заурат сезмаяптилар. Шу боис, отахон 100 ёшида хотин қўйиб, қолган умрини тинч-фароғатда ўтказиш ниятида.

ҚИЗИНИ УНУТГАН ОНА

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Иваново шаҳрида 5 ёшли қизалоқни машина уриб кетди. У анчагина лат еб, шифохонага тушди. Бу, албатта, унинг оиласи учун фавқулодда ҳодиса, дейиш мумкин. Лекин қизча даволаниб оёққа турганча ҳеч ким ундан хабар олмади. Ҳатто «Рабочий край» газетасида қизчанинг каттагина сурати босилса ҳам унинг ота-оналаридан дарак бўлмади. Фақат эртаси куни бир аёл: мен қизалоқнинг холаси бўламан, деб келди. Текшириб кўрилса, унинг яшаш шароити қизалоқ учун йўл бермас экан. Бечорани яна шифохонага қайтаришди. Лена эса кутилмаганда бағритошлик қилаётган онасини интизорлик билан кутмоқда.

ИТ ҚУТУРСА...

Запорожьедаги хиёбонлардан бирида ўзининг калта тумшуқли «туядек» ити билан сайр қилиб юрган уй бекаси негадир қўшнисининг кучуги билан ўзининг тўрт оёқли дўстини «хириллатиб» кўришни ихтиёр этиб қолди. Афсуски, воқеа тафсилоти тескари айланиб кетди. Кўзи қонга тўлган жаҳлдорнинг занжирлари эгасининг оёқларига ўралашди ва кутилмаганда ит аёл оёқларини ғажий бошлади. Ит қутурса эгасини қопади, деганларидек, бечорага ёрдам кўрсатгунларигача қон йўқотиб, ҳалок бўлди.

СТАЛИННИНГ МАЪШУҚАСИ БЎЛГАНМИ?

Ҳамма гап Л. Гендлиннинг Сталин ҳақидаги китобига муносабатдан бошланди. Бир вақтлар СССР Марказий ижроқўмининг дала ҳовлиларини қуриш шўъбасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилган Петр Григорьевич Соловьевнинг ўғли мазкур китобда баён этилган айрим далилларга эътироз билдирмоқда. Унинг гапларига қараганда, Сталинга тегишли «Яшил майса», «Муздек сой», «Рица», «Мюссери» деб номланувчи дала ҳовлиларини бунёд этишда бевосита иштирок этган Петр Григорьевич ўғлига кўп нарсаларни ҳикоя қилиб турар экан. Шунинг учун ҳам болалигида халқлар отасига мўлжалланган дала ҳовлиларни ўз кўзи билан кўрган В. Соловьев Сталин ҳеч қачон лифтдан фойдаланмаган, демоқда. Аксинча у ўзининг кавказча юмшоқ этигида ёғоч пиллапоялардан юқорига кўтарилган экан. Шунингдек, ёзувчи китобида баён этганидек, Сталин Давидова деган артист аёл билан мулоқотда бўлмаган. Бу ерга ҳар замонда Надежда Аллилуева ва Сталиннинг ўғли Василий билан қизи Светлана келиб турган эканлар, холос.

Спорт

САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИДА

• **МАМЛАКАТИМИЗ турли шаҳарларида «Пахтакор'79» анъанавий хотира мусобақалари давом этмоқда.**

Ўзбекистон футбол жамоалари ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари шаҳарларидан меҳмон бўлиб келган футболчилар саралаш учрашувларини кутаринки руҳда утказишга ҳаракат қилишмоқда. Маълумки, саралаш ўйинлари тўрт гуруҳда давом этмоқда. Ҳозирча «Нефтчи», «Навбаҳор», «Виктория», «Прогресс», «Динамо», «Нурафшон», «Локомотив», «Сўгдиана», «Пахтакор», «Крилья Советов», «Тараз», «Қимёгар», «Мебелчи», «Металлург» жамоалари дастлабки учрашувларни ғалаба билан якунлаб, ўз гуруҳларида пешқадамлик қилишмоқда. 6 март куни чорак финал учрашувлари бошланади. Хотира турнирининг ҳал қилувчи учрашуви бу йил пахтакорчи Сирожиддин Бозоров туғилиб ўтган Нарпайда утказилади.

ЁШЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

• **АНДИЖОНДА бокс бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.**

Мамлакатимиз турли шаҳар, вилоятларидан тупланган юздан зиёд умидли «чарм қулқоп» усталари ўртасида утказилган учрашувлар муросасиз баҳсга айланди. Мусобақада вазнларга кўра хоразмлик Ш. Отамуродов, бухоролик Р. Раҳимов, У. Баратов билан А. Вингурцев, термизлик Ф. Қулдошев, андижонлик Г. Чағаев, Т. Турғунов ва М. Жиянбоев, қўқонлик Б. Ҳусанов билан С. Хомяков, тошкентлик А. Шомирзаев ҳамда Тошкент вилояти вакили А. Кульчицкийлар ғолиблик супасига кўтарилдилар.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

• **ТОШКЕНТДА ўсмирлар ўртасида қиличбозлик бўйича республика биринчилиги ўтказилмоқда.**

Мусобақада рапирачиларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Жумладан, йигитлардан Элдор Зарипов билан Виталий Петров муваффақият қозонишган булса, қизлар ўртасида Елена Гульцина билан Татьяна Пак ғалаба қозондилар. Жамоалар ўртасида 18-болалар ўсмирлар спорт мактаби талабалари олдинда боришмоқда.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 1 март, чоршанба куни чиқади).

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси катта илмий ходим З. Р. Қодировага отаси

Абдурашид ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Узавтойул» жамоаси Нурота туман автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Жаббор Норматовга волидаи муҳтарамаси

Эсопой ҚУРОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0098, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.00

1 2 3 4 5 6.